Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 113 (20. 680) • 1990 йил 18 май, жума • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети студент ёшлар орасида фаннинг нуфузини ошириш, студентларнинг муваффақиятли ўқишини рағбатлантириш, республиканинг атоқли фан арбоблари ҳаёти ва фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида СССР Илмий ва инженерлик жамиятлари Ўзбекистон республика ҳайъатининг айрим фанларни ўрганишда алоҳида истеъдод намоён қилган «Республика олий ўқув юртлари студентлари учун фан арбоблари номидаги стипендияларни таъсис этиш тўғрисида»ги таклифини кўриб чиқди ва қўллаб-қувватлади.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат дорилфунунида: математикани ўрганувчи студентлар учун — академик В. И. Романовский номидаги; физикани ўрганувчи студентлар учун — академик У. О. Орифов номидаги; химияни ўрганадиган студентлар учун — О. С. Содиқов номидаги;

Беруний номли Тошкент политехника институтида: геологияни ўрганувчи студентлар учун — академик Ҳ. М. Абдуллаев номидаги; химияни ўрганувчи студентлар учун — академик А. М. Музаффаров номидаги; энергетикани ўрганувчи студентлар учун — академик М. З. Ҳамидхонов номидаги; қурилиш индустриясини ўрганувчи студентлар учун — академик М. Ўрозбоев номидаги;

Тошкент машинасозлик институтида: машинасозликни ўрганувчи студентлар учун — академик Ҳ. А. Раҳматуллин номидаги;

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида академик М. А. Ҳожинова номидаги стипендиялар таъсис этилади.

* * *

Муҳаммад Тарағай Улуғбек туғилган куннинг 600 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик масалалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида муҳокама қилинди. Буюк олимнинг юбилейи мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаётида катта воқеа бўлади, ўзбек халқининг илмий ва тарихий меросини тарғиб қилиш ишига хизмат қилади.

1994 йилда ўтказиладиган юбилей тантаналари муносабати билан Улуғбекнинг Самарқанддаги бутун дунёга машҳур астрономия обсерваториясини, Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда Улуғбек мадрасасини таъмирлаш ва тиклаш, Тошкент марказида Улуғбекка ёдгорлик ўрнатиш режалаштирилган. Буюк алломанинг асарлари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилади, совет ва чет эл олимларининг Улуғбек ҳақидаги китоблари туркуми нашр этилади, Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бадиий фильм яратилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Улуғбек юбилейини ЮНЕСКО планига киритиш, СССР Фанлар академиясининг Улуғбек номидаги мукофоти ва медалини таъсис этиш, юбилей тангаси чиқариш тўғрисида тавсиянома билан Иттифоқ идораларига мурожаат қилиш топширилди.

Юбилей тантаналарини ва халқаро илмий конференцияни Самарқанд, Тошкент ҳамда Москвада ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди олдидан

• Съезд минбарига

МАҲАЛЛА, МИЛЛИЙЛИК ВА КОММУНИСТ

Ўтган йил ноябрь ойида Чилонзор район партия комитети бюросининг қарори билан маҳалламизда бошланғич партия ташкилоти тузилди. Биз демократия ва ошкоралик, янгича фикрлаш туфайлигина бунга эришдик. Ташкилотимиз таркибидаги 6 нафар ветеран ва пенсионер коммунистлар мени котиб қилиб сайлашди. Аҳоли истиқомат жойларида бошланғич партия ташкилотлари тузиш — пенсияга чиқиб ишдан бўшаган коммунистларнинг маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ўз маҳаллаларида ҳам сиёсий-тарбиявий, ташкилий-партиявий ишларни жонли олиб боришларига имконият яратади. Шунингдек, кекса коммунистларнинг иш жойларидаги бошланғич партия ташкилотларидан ажралиб қолиши ҳолларига тўла барҳам беради.

Ҳозир бизнинг маҳалла партия ташкилотимиз ўз аниқ ҳаракат дастурига эга. Хонадонларимизни, кўча-кўйни тоза, озода сақлаш, маҳаллани ободонлаштиришдан тортиб то маҳалла аҳли сиҳат-саломатлиги тўғрисида қайғуришгача бўлган кўпгина масалалар бу дастурдан ўрин олган. Маҳалла аҳли билан доимо бевосита алоқада бўламиз. Масалан, коммунистларимиздан Аъзам Зоҳидов, Толиб Муҳамедовлар зиммасига маҳалла чойхонасида мафкура ишларини олиб бориш, газета ва журналларда чиқаётган ахборот ва янгиликларни, айниқса, республикамиз партия ҳукумати қарорларини, жумҳурият Президентининг кейинги пайтдаги хайрли фармонларини одамларга етказиш ва тушунтириб бериш юклатилган.

Маҳалламиз ҳудудида иккита — 56-ва 179-ўрта мактаб бор. Пенсионер, ветеран муаллимлардан А. Пўлатов, Ф. Тошмуҳамедов, Т. Муҳамедов, М. Бобоева, Т. Солихўжаева, М. Ҳайдарова, М. Азизхўжаева ва М. Аъзамова ўртоқлар билан ҳамкорликда мактабларда ўқувчи ёшлар ўртасида ҳам, маҳалла аҳли орасида ҳам кишиларнинг оилавий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ахлоқий-тарбиявий ишларни таъсирчан олиб боришга интиляпмиз.

Яқинда партия ташкилотимизда КПССнинг янги Устави лойиҳасини ҳам муҳокама қилдик. Лойиҳада партия аъзолигига бир йил муддатли номзодлик стажини тиклаш ҳамда номзодликка қабул қилинаётган кишининг истиқомат жойидан ҳам бир тавсиянома олишини қатъий қилиб белгилаб қўйиш ҳақида ва бошқа қизиқарли таклифлар айтилди. Хуллас, маҳалламиз бошланғич партия ташкилоти ўзини тўла оқлаяпти. Шу боисдан ҳам мен ана шу тажрибамиздан келиб чиқиб, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига бир неча таклиф билдирмоқчиман. Съезд маҳаллий шароитимиздан келиб чиқиб, аҳоли истиқомат жойларида ветеранлар ва пенсионерлардан иборат бошланғич партия ташкилотлари тузиш ва улар кучғайратидан ёшлар тарбиясини кучайтириш, оилани мустаҳкамлаш, энг яхши миллий удумларимиз, урф-одатларимизни тиклашда фойдаланиш масаласини ҳам муҳокама қилса.

Иккинчи таклифим шуки, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, назаримда, жумҳуриятимиз Компартиясининг мафкуравий ишлар соҳасидаги аниқ-равшан концепциясини қатъий белгилаб олмоғи лозим. Маънавий-ахлоқий, таълим-тарбиявий қадриятларимиздаги ҳозирги ишкалликлар ва бу соҳадаги фаолиятимизда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам ана шундай мукаммал концепциянинг йўқлигидан, деб биламан.

Учинчи бир таклифим — Ўзбекистон Компартиясининг съезди жумҳуриятимизнинг миллий хусусиятларини, ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ўз партиявий Ҳаракат дастурини ишлаб чиқса. Менинг фикримча, бундай ҳужжат КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурига зид келмайдиган, аммо уни ўз маҳаллий шароитларимизни инобатга олиб, тўлдирувчи ва бойитувчи муҳим ҳужжат бўлиши керак. Зеро, КПСС Марказий Комитетидаги ўртоқлар ҳар бир жумҳуриятдаги миллий хусусиятлар, конкрет маҳаллий шароит, сиёсий вазият ва аҳволни, шунингдек кадрлар билан ишлаш сиёсатини ҳеч қачон уларнинг ўзларичалик чуқур билмасликлари ва била олмасликлари аёндир.

Мен оддий бир ветеран коммунист сифатида ўз шахсий фикр-мулоҳазаларимни баён этдим, холос. Ўйлайманки, жумҳуриятимиз коммунистларининг анжумани ана шу масалаларни ҳам муҳокама қилмоғи керак.

Қобил ОДИЛОВ,
Чилонзор районидаги «Қурилиш» маҳалла бошланғич партия ташкилоти котиби, 1950 йилдан КПСС аъзоси.

● ЗАМОНДОШИМИЗ

КАСБГА МЕҲР

Зеник Иброҳимова «Ташсельмаш» заводининг илғор ишчиси. У корхонанинг алюминий цехида ишлайди. Саккиз йилдирки, у жонажон корхонасида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқда. Шу кунларда илғор ишчи республика коммунистларининг бўлажак анжуманига муносиб армуғон тайёрлаш ниятида тағин ҳам ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишга киришди. Бу борада ҳар куни янгиданянги ютуқларни қўлга киритмоқда.

З. Иброҳимова ёшларнинг меҳрибон мураббийси. Корхонанинг кўпгина участкаларида тажрибали ишчидан яхши меҳнат сабоғини олган йиғит ва қизларни учратиш мумкин.

Суратда: илғор ишчи З. Иброҳимова.

Т. Каримов олган сурат.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ривожланган капиталистик мамлакатларнинг фирмалари билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш соҳасида фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов Англиядаги Авт интернэшнл лимитед фирмасининг вакили Ш. Шанавазни қабул қилди. Ҳамкорликнинг мумкин бўлган йўналишлари ва шакллари муҳокама қилинди.

Республика Давлат план комитетида иккала томон мутахассислари иштирокида кенгаш бўлди, унда Авт интернэшнл (Буюк Британия) билан Ўзбекистон корхоналари, ташкилотлари ўртасида муносабатлар ўрнатиш ва ривожлантиришнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланди, бу чора-тадбирлар тегишли муддао протоколида таъкидланди. Ҳужжатда қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашё базасида тайёр буюмлар ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги кадрларни, мутахассисларни тайёрлаш, тузилиши мумкин бўлган қўшма корхоналарни пул билан таъминлаш каби йўналишларда ҳамкорлик қилиш имкониятлари чуқур ўрганилганлиги акс этди. Мазкур йўналишдаги ҳамкорликни, шунингдек, бошқа йўналишларда мумкин бўлган ҳамкорликни амалга оширишга доир аниқ тадбирлар ҳақида аҳдномага эришилди.

* * *

«Леви Штраус» компаниясининг бош директори Ф. Сульцбергер бошчилигидаги Америка корчалонлари гуруҳи дастлабки аҳдномага мувофиқ «Сўғдиёна» кооператив ишлаб чиқариш-савдо фирмаси билан амалий ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун Тошкентга келди. Гуруҳ таркибида Доминион текстайл (Канада), Свифт (АҚШ) компанияларининг раҳбарлари ва бошқалар ҳам бор эдилар.

Меҳмонларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов қабул қилди. Суҳбат чоғида биргаликдаги фаолиятнинг йўналишлари тўғрисида принципиал аҳдномага эришилди.

Суҳбатда республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов қатнашди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетида ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш юзасидан иккала томон киритган таклифлар муҳокама қилинди. Томонлар алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилишга доир тегишли материалларни ишлаб чиқиш зарурлигини тасдиқладилар.

(ЎзТАГ).

• Президент Фармони қандай амалга оширилади?

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармонда жумҳуриятимизда Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришни янада яхшилаш кўзда тутилади. Бунда шахсий хўжаликларнинг муҳим ўрин эгаллаши ҳисобга олиниб, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришда уларни ем-хашак билан таъминлаш яхши самара бериши назарда тутилган. Хўш, бу вазифани бажариш учун жумҳуриятимизда қандай ишлар амалга оширилади! Аҳолига ем-хашак ва аралаш озуқа етказиб бериш борасида нима ишлар қилинади! Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи Ё. СОБИРОВ мухбиримиз Ш. МИРҲАБИБОВга бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

ШАХСИЙ ХЎЖАЛИК МЎЛ-КЎЛЧИЛИК МАНБАИ

— Умуман ҳозирги пайтда жумҳуриятимиз жамоат чорвачилигида қорамоллар сони бир миллион 737 мингдан ортиқроқ, — деди Омон Носирович. — Шундан 437,9 минг боши соғин сигирлардир. Колхоз-совхозлардаги қўй-эчкилар 5 миллион 525,1 минг бошни ташкил этади. Аҳолининг шахсий хўжаликларида эса 2 миллион 443,2 минг бош қорамол, жумладан 1 миллион 206 минг 800 бош соғин сигир мавжуд. Қўй-эчкилар сони эса 3 миллион 260,5 мингдан зиёд.

Шуниси диққатга сазоворки, аҳолининг шахсий хўжалигидаги қорамоллар сони ўтган йили 1988 йилга нисбатан 76 минг 300 бошга кўпайди. Жумладан, сигирлар 52 минг 400 тага ошди. Қўй-эчкилар эса 141 минг 600 тадан ошиб кетди. Бу яхши, албатта. Лекин аҳолидаги қорамоллар маҳсулдорлиги жамоат чорвачилигига нисбатан анча пасайиб кетди. Чунки аҳоли қўлидаги чорва молларининг зоти яхши эмас. Шу сабабли ҳам жамоат чорвачилигида бир йилда ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 2 минг 600 килограммни ташкил этгани ҳолда шахсий хўжаликларда ўтган йили 1655 килограммни ташкил этди. Бошқа кўрсаткичлар ҳам яхши эмас.

Бундай ҳол яна шунинг учун юз бераётган эдики, аввалларидан шахсий хўжаликлардаги чорва молларини ем-хашак билан тўла таъминлаш масаласи ҳал этилмаганди. Томорқадан чиқадиган ем-хашак ва озиқ-овқат чиқиндилари ҳисобигагина шахсий хўжаликдаги чорвани боқиш қийин, албатта. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозлар шахсий хўжаликларни маълум миқдорда ем-хашак ва озуқа билан таъминлашлари лозимлиги ҳамиша қайд этиб ўтиларди.

Тўғри, ишни оқилона ташкил этиб, шахсий хўжаликларнинг Озиқ-овқат программасига қўшаётган ҳиссасини кўпайтираётган хўжаликлар ҳам бор. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Ҳва номли, Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхозларда ва бошқа хўжаликларда бу иш кўнгилдагидек ҳал этилганди. Шу сабабли ҳам аҳоли қўлидаги чорва моллари маҳсулдорлиги тобора ошиб борди.

Қайта қуриш эпкини туфайли кейинги икки-уч йил ичида умуман жумҳуриятимизда аҳоли шахсий хўжалигини ривожлантириш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Кўп жойларда аҳолига ем-хашак, аралаш озуқа сотиш йўлга қўйилди. Истаганча қорамол асрашга рухсат этилди. Бу ўз-ўзидан яхши самара берди. Аҳоли кўплаб чорва моллари сотиб ола бошлади. Рақамларга мурожаат этайлик. Агар бурноғи йили бир миллион 866 минг 417 оилада чорва моллари боқилган бўлса, ўтган йили бу рақам 1 миллион 984 минг 576 тага етди. Аҳолига томорқа ерлари ажратиб бериш кўпайгани сари чорва моллари боқишни мўлжаллаган деҳқон хўжаликлари ҳам кўпайиб бораётир.

Эндиликда шу чорвани ем-хашак билан таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Шу мақсадда биз бирмунча зарур тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу тадбирларда аввало, чорвачиликни ривожлантириш борасидаги камчилик ва нуқсонлар рўйрост кўрсатиб ўтилди. Масалан, кўпгина совет ва хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ижара муносабатларини ўрнатишни замон талабларига кўра тезкорлик билан олиб бормаяптилар. Қорамолнинг маълум қисмини аҳолига сотиш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқмаяптилар.

Айниқса, каммаҳсул молларни деҳқон хўжаликларига бериш муҳим вазифадир. Шу мақсадда бизда уч ойлик муддат ичида шартномалар асосида каммаҳсулли сигирларни ва гўшт йўналишидаги мол ва бузоқларни деҳқонларнинг фермер хўжаликларига сотиш юзасидан ташкилий ишларни амалга ошириш мўлжалланди. Моллар шартнома баҳоларида, лекин давлат харид нархларидан паст бўлмаган нархларда деҳқон хўжаликларига сотилади. Уларга озуқа етиштириш учун суғориладиган майдонлар, яйловлар ажратилади ва бозор фондига кўра аҳоли топширган 1 центнер гўшт ҳисобига 200 килограмм, 1 центнер сут ҳисобига 30 килограмм концентрат озуқа сотилади. Колхоз ва совхозларга аҳолидаги ортиқча маҳсулотни йиғиштириш учун қўшимча қабул қилувчи-йиғувчилар ажратилади. Улар фермер хўжаликлари ва аҳолидан ортиқча гўшт ва сут маҳсулотларини сотиб оладилар. Сут саноати корхоналари раҳбарлари эса қўшимча сут қабул қилиш пунктлари ташкил этишларига рухсат берилди. Шунингдек, 1991—1995 йилларда колхоз ва совхозларда сигирларни суниъий урчитиш пунктлари ташкил этилади.

Умуман аҳоли қўлидаги чорва молларининг зотини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш қўшимча резервдир. Агар аҳолидаги қорамоллар маҳсулдорлигини жамоат чорвачилигидаги кўрсаткичларга етказиб олсак, эл дастурхонига кўплаб маҳсулот етказиб берилган бўларди. Бунинг учун чорвачиликда наслчилик ишлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, ветеринария бош бошқармаси билан давлат ветеринария инспекцияси колхозлар, совхозлар, кооперативлар билан ҳамкорликда шартномалар асосида сигир ва бузоқларни сунъий қочиришни йўлга қўйишади. Бу билан аҳоли ва фермер хўжаликларидаги моллар маҳсулдорлигини яхшилаб бориш йўлга қўйилади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, моллар зоти 5—7 йил ичида тўла яхшиланиши зарур. Шундагина ҳар бир оила ўз сигиридан йилига камида 2600—2700 килограммдан сут соғиб олишига эришилади. Ижарачи пудрат коллективлари, кооперативлар ва деҳқон хўжаликларидаги чорва молларни даволаш бўйича ёрдам кўрсатилади. Колхоз-совхозларнинг ва бошқа ветеринария ташкилотларининг вакиллари билан бу борада шартномалар тузилади.

Деҳқон хўжаликларини ем-хашак, сув, минерал ўғит ва химикатлар билан таъминлаш йўлга қўйилади. Шу муносабат билан колхоз-совхозларда озуқа етиштирувчи қўшимча бригада ва звенолар ташкил этилади. Иттифоқ органларига кенцентрат озуқалар олиш учун қўшимча буюртмалар берилади. Аҳолига дағал ва сершира озуқалар ўз нархида сотилади.

Хуллас, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Зеро, қишлоқда яшовчи оилаларга томорқа ерлари ажратилишидан асосий мақсад — уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтиришга хизмат қилишларини таъминлашдир. Ҳамонки, ёрдамчи хўжалик мўл-кўлчилик резерви экан, унга ҳар биримиз ёрдам беришимиз, уни янада истиқбол сари етаклашимиз зарур. Шундагина халқимизни мўлкўл чорва маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин.

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ, ЙИГИТЛАР!

Жумҳуриятимиздан ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун ҳар томонлама ғамхўрлик кучайтирилаяпти. Уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, хизматга тайёрлаш, аҳоли ўртасида армияга нисбатан пайдо бўлган нохуш кайфиятларни бартараф этиш айни шу кунларда барча партия, совет ташкилотларининг, ҳарбий комиссариатларнинг, корхона ва муассасаларнинг, хотин-қизлар кенгашларининг, маҳалла комитетларининг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Бу йил Ўзбекистондан чақирилувчи ҳарбий қурувчилар хизматни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округида ўтказадилар. Жанговар қисмларга чақирилувчилар учун улар хизмат қиладиган жойлардаги шарт-шароитлар тубдан яхшиланади.

Юқоридаги фикрлар 16 май куни Тошкент шаҳри ва Тошкент областидан йигитларни ҳарбий хизматга қузатишга бағишлаб ўтказилган митингда тилга олинди. Унда ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг ота-оналари, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, байналмилалчи жангчиларнинг вакиллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари сўзга чиқиб, йигитларга оқ йўл тиладилар.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи котиби ўртоқ С. Мамарасулов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг ҳарбий хизматга чақирилганлар иккита эшелонда Тошкент вокзалидан СССР Ҳарбий-Денгиз Флотининг Калининград ва Мурманск областларидаги қисмларига жўнаб кетдилар.

Чақирилувчилар тушган эшелонларга хизмат жойигача ҳамроҳ бўлиб борадиган вакиллар тайинланди. Биринчи эшелонга Акмал Иқромов райони халқ назорати комитетининг раиси Т. М. Мақсудов, Бўстонлиқ райони байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси И. Э. Йўлдошев, Калинин райони байналмилалчи жангчилар кенгашининг раиси О. Мусаев вакиллик қилмоқдалар. Иккинчи эшелонга эса Куйбишев районининг халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари О. М. Федосеев, Оржоникидзе райони комсомол комитетининг бўлим мудири А. И. Расулов вакил бўлишди.

Ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларни хизматга тайёрлашга доир масала ўша куни Тошкент область партия комитети бюро мажлисида ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Т. АЛИМОВ,

●

Катта ўғлим Абдукомил армия ёшига етди. Уни район ҳарбий комиссариати тиббий кўрикдан ўтказиб, область чақириқ манзилига юборди. Бу ерда ҳам тиббий кўрикдан ўтди. У қурилиш отряднга хизматга борармиш. Буни қаранг-ки, менинг ўғлим Абдукомил Қосимов ўз солдатлик бурчини Туркистон ҳарбий округида ўтайдиган бўлибди. Мен авваллари ўғлимни қайси юртга олиб кетаркин, ўзи нозикроқ эди, ўта совуқ иқлимли жойга тушса, аҳволи нима кечаркин деб жуда қаттиқ хавотирда эдим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилиб, ўзбекистонлик йигитларни Туркистон ҳарбий округидаги қурилиш қисмларида хизмат қилишларини белгилаб берганлиги айни муддао бўлди. Армия сафига чақирилаётган ва ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган йигитларнинг ота-оналари қатори мен ҳам ҳукуматимиздан миннатдорман.

М. ҚОСИМОВА,
Тошкент область Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз аъзоси.

(ЎзТАГ).

●

Мен икки қиз, саккиз ўғилнинг онасиман. Ўғилларим она Ватан олдидаги йигитлик бурчини ҳалол-пок ўтаб келишди. Ўзининг Боғистон кўчасидан бўлак жойни кўрмаган ўғлонларим дунёни айланиб келишди, десам муболаға бўлмас. Бири Семипалатинск, бошқаси Куйбишевда, яна бири Украина ССРда хизмат қилди...

Баъзан дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирганимизда ўша ерликларнинг урф-одатлари, шаҳарлардаги обидалар, кўрган-кечирганлари ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб қолишади. Шунда ўйлаб қоламан. Бу ҳам ҳарбий хизматнинг шарофати-да. Ўғилларим ҳарбий хизматдан алоқачи, механик, киномеханик, машинистлик касбларини ҳам эгаллаб қайтганлар. Минг бор шукурким, ҳаммалари соғ-омон, бешикаст келишди. Улар ҳозир уйли-жойли, бола-чақали.

Хат кутиб, эшикка қарайдиган, кун санаб дийдор онларига орзиққан пайтларим орқада қолди.

Қўшнинг тинч — сен тинч дейишади. Баъзида маҳалламиздаги, таниш-билишларимиздаги, қариндош-уруғлардаги оналарнинг ноласи эшитилиб қолади. Фарзанд доғи ёмон. Ҳарбий бўлинмалардаги тартибсизликлар, «оқсоқолчилик» оқибатида майиб-мажруҳ бўлиб қайтаётган, ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлаётган ўғлонларимиз ҳақида эшитганда она экану бутун олам йиғлайди. Биз бугунги кунда ҳаётдан бевақт кўз юмаётган бундай йигитларнинг ўнлаб, юзлаб номларини тилга оляпмиз.

Қурилиш ҳарбий қисмларига юборилган ўзбекистонлик йигитларни Туркистон ҳарбий округи ихтиёрида қолдириш ҳақидаги қарор бундай фожиалар олдини олишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Бу ўзига хос катта ғамхўрликдир, албатта.

Яна шуни айтмоқчиманки, ҳарбий хизматга йигитларнинг сиқат-саломатлигини обдон текшириб, медицина кўригидан ўтказиб, соғломларнигина чақириш керак. Шу билан бирга ҳарбий қисмдаги ички тартибни қатъий йўлга қўйиш, командирлар масъулиятини ва савиясини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиб, талабчанликни албатта ошириш керак.

М. ОДИЛОВА,
Тошкент. Қаҳрамон она.

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

ЯНГИ ШАРОИТДА ЭСКИЧА ЁНДАШУВЛАР

Хоразм вилояти партия конференциясидан

Янгиланиш, покланиш даврининг олтинчи йилида яшаяпмиз. Қайта қуриш, инқилобий ислоҳотлар мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Бироқ, ижобий ўзгаришлар билан бирга ҳаётимизда эскича иш юритишлар, ўз умрини ўтаб бўлган усул ва услублар давом этаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Демократия ва ошкоралик жараёнида ижодий маданиятнинг етишмаслиги, социал-иқтисодий соҳаларда дуч келинаётган турли хил тўсиқлар, сиёсий ислоҳотда йўл қўйилаётган нуқсонлар қайта қуришга салбий таъсир кўрсатяпти. Мана шундай ҳолатни Хоразм вилояти ҳаётида ҳам кўриш мумкин.

Область партия комитетининг ҳисобот докладида қайта қуришнинг бориши, уни жадаллаштириш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш юзасидан амалга оширилган ишлар, олдинда турган вазифалар атрофлича таҳлил этилди. Шуни айтиш керакки, ҳисобот даврида обком ишида бир қатор янгиликлар пайдо бўлди. Пленум ва бюроларни ўтказишда омма фикрига таянила бошланди. Доклад тезисларини олдиндан матбуотда ёритиш ва партия ташкилотларида муҳокама қилиш тажрибаси қўлланиляпти. Чунончи, мазкур конференция доклади ҳам шундай қилинди. Натижада тўрт юзга яқин таклиф, талаб ва танқидий фикр-мулоҳазалар тушди. Шунингдек, социологик савол-жавоблар, тематик анкеталар тўплаш, ишни бевосита жойларда ўрганиш каби иш шакларидан ҳам фойдаланилмоқда. Улар аҳволни ҳар томонлама ўрганишга, яхши иш тажрибасидан ўз вақтида фойдаланишга, партия комитетларининг камчиликларини тугатишга ёрдам бераяпти. Бу ўринда Янгиариқ район партия комитети фаолияти айниқса яхши мисол бўлаолади. У ўз ишида бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини оширишга интиляпти. Ходимлар кўпроқ кабинетда эмас, жойларда бўлишга ҳаракат қилишаётир. Шу боис қарорлар сони уч баравар камайди. Урганч шаҳар партия комитетида эса раҳбарликнинг коллективлик принципини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Мафкуравий ишда ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Бу соҳада гапбозликдан ташвиқот-тарғибот ишларининг амалийлиги, таъсирчанлиги, самарадорлигини таъминлашга ўтиляпти. Хива шаҳрининг 2400 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик, қардош вилоятлар билан маданият кунларининг ўтказилиши, миллий анъаналарни асраш ва тиклаш юзасидан рўёбга чиқарила бошланган ишлар бунинг далилидир.

Афсуски, партия комитетлари фаолиятини тубдан қайта қуришда бундай мисоллар кўп эмас. Бу гап обкомга ҳам дахлдор. Унинг ишида эскича иш услублари тўла барҳам топмади, қоғозбозлик кўп.

— Область партия комитетидан сўраладиган оғзаки ва турли хил ёзма маълумотлар сира ҳам камаймаяпти, — деб таъкидлади ўз нутқида Хива район партия комитетининг биринчи котиби Э. Раҳмонов. — Обком ходимлари, аъзолари ва секретарлари районлардаги бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, ўтказилаётган ягона сиёсий кунларда камдан-кам иштирок қиладилар.

Бюро ва секретариат мажлисларида кўтарилаётган масалалар ҳамма вақт ҳам синчиклаб танланмайди. Улар орасида ташкилий-партиявий, кадрлар ва идеология иши аҳволига сезиларли таъсир этмайдиган майда, кундалик масалалар кўп. Обкомнинг иш усул ва услублари қай даражада эканлиги унинг биринчи котиби Р. Худойберганованинг раҳбарлик фаолияти билан боғлиқ. Лекин у айрим ҳолларда вужудга келган муаммоларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўяяпти.

Танқид ва ўз-ўзини танқидни аччиқ, бироқ шифобахш дорига қиёслашади. Партия конференциясида обком фаолияти танқидий таҳлил этилиши, унинг ва бюро аъзолари, котиблар ишига ҳаққоний принципиал баҳо берилиши, келгуси вазифалар аниқ белгилаб олиниши зарур эди. Ҳа, афсуски, вилоят коммунистларининг бош анжумани минбарига кўтарилган нотиқларнинг сўзи қайта қуришнинг жанговар руҳи билан суғорилмади, янгиланишнинг қатъий позициясида турганликлари унчалик сезилмади, десак муболаға бўлмайди. Негаки фақат ҳисобот доклади ва Р. Худойберганованинг кириш сўзигина шундай талабга мосроқ бўлди, холос.

Тўғри, айрим нотиқлар обком, фаолияти билан боғлиқ баъзи масалаларни тилга олишди. Масалан, Хонқа район алоқа бўлими катта телефонистка Л. Сувонова обком иш услубига доир саволни ўртага ташлади:

— Нима учун конференцияга икки кун қолганда райкомимизнинг биринчи котиби ўзгартирилди? Ахир биз уни райком конференциясида сайлаганимиздан кейин кўп вақт ўтмаган эди-ку?!

Урганч тикувчилик бирлашмаси устаси М. Полвонова Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар пайтида юз берган нуқсон ҳақида куйиниб гапирди. Унинг ўзи ҳам 451-сайлов округидан ўтказилган қайта сайловда депутатликка номзод қилиб кўрсатилганди. Аммо Полвонова ўз номзодини қайтиб олди. Чунки уни сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларидаги носоғлом муҳит шундай қилишга мажбур этган эди. Сабаби шундаки, икки номзод сайловчиларнинг овозини кўпроқ олиш мақсадида ўз мансабларидан фаол фойдаланишди. Бири округда арзон баҳода гўшт ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари соттирди. Иккинчиси ўз корхонаси ҳисобидан анча-мунча қурилиш ишларини бажариб берди.

Нотиқ депутатликка номзодларнинг кимлигини ошкор қилмади. Лекин улар конференция иштирокчиларига яхши маълум эди: халқ депутатлари Хоразм вилояти Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Қ. Сапаев ва 167-қурилиш трести бошқарувчиси Р. Йўлдошев. Иккови ҳам коммунист, Сапаев эса обком бюроси аъзоси. Шунинг учун ҳам сайлов арафасида улар тутган йўл кўпларни таажжубга солди. Табиийки, бундай саъйи-ҳаракатлар коммунистнинг обрўсига, ўз навбатида обком ва унинг бюроси обрўсига соя солиши тайин.

Конференцияда сўзга чиққан бир неча нотиқ партиянинг обрўси, уни янада кўтариш ҳусусида фикр билдирди. Бу ҳар бир коммунистнинг фаолияти, позицияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Айни кезда ҳар бир коммунистга унинг қаерда, қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар талаб ва масъулият бир хилдир. У ўзи ҳисобда турадиган партия ташкилотини ҳурмат қилиши, қадрлаши, унинг обрўси учун курашиши зарур. Бироқ бундай муносабат, ўзаро ҳурматга ҳамма жойда ҳам амал қилиняпти, деб бўлмайди. Шундай ҳолнинг обком бюроси аъзолари томонидан содир қилинганлиги эса ғоят ташвишланарлидир. Мен шу ўринда бундан бир неча кун бурун бўлиб ўтган пленумда бошқа ишга ўтганлиги ва республикадан ташқарига жўнаб кетиши муносабати билан Хоразм вилояти партия комитетининг иккинчи котиби вазифасидан озод этилган Л. Нетягани назарда тутаяпман. У обком пленумида ҳам, делегат бўлишига қарамай конференцияда ҳам иштирок этмади. Коммунистлар ҳам негадир унинг котиблик ва бюро аъзоси сифатидаги фаолиятига на ижобий ва на салбий баҳо беришди. Шундай фикрни Л. Нетяга билан бир кунда обком котиблигидан озод этилган И. Духно ҳақида ҳам айтиш мумкин. Аслида бу факт бир неча йил ўзи ишлаган партия ташкилотини менсимаслик, коммунистларни ҳурмат қилмасликдан бошқа нарса эмас.

Конференцияда 28 делегат музокараларда сўзга чиқди. Аксарият нотиқларнинг маърузалари ўз-ўзига ҳисоботдан, юқори органлардан хўжалик ишлари билан боғлиқ масалалар бўйича ёрдам сўрашдан иборат бўлди.

Раислик қилувчи икки марта залдан тушган хатларни ўқиб берди. Бу хатларда конференцияда хўжалик масалалари ҳақида эмас, балки обком фаолиятига доир партиявий ишлар ҳақида фикр юритиш, партия ишини қайта қуриш ва янгилаш борасида амалга оширилган ишларни, йўл қўйилган камчиликларни жиддий тахлил этиш зарурлиги қатъий талаб қилинган эди. Лекин бу даъват ҳам нотиқларга таъсир кўрсатмади. Маърузаларнинг кўпи ўша йўсинда давом этаверди. Бу ҳол вилоят коммунистларининг авангарди бўлган делегатларнинг эскичасига фикрлашдан қутила олмаганини, партия хўжаликка расман раҳбарликдан воз кечиб, бу ҳуқуқни Советларга бераётганини тушунмаслигини яна бир карра намоён қилди.

— Гапнинг лўндасини айтганда, — дейди вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи К. Аксенов, — обком конференцияси яқин орада бунчалик паст савияда ўтмаган эди.

Конференция нега шундай муҳитда ўтди? Ёки обком ишида туб бурилиш рўй бериб, у ўз фаолиятини бутунлай қайта қуриб олдими? Вилоятда энди муаммо ва камчиликлар қолмадими? Асло шундай эмас. Обкомнинг ҳисобот докладида ҳам кўпчиликни ўйлантирадиган, ташвишга солдиган нуқсонлар ҳақида рўй-рост фикр юритилган. Шундай бўлгач, нега делегатлар уларни ҳал этиш йўллари ҳақида принципиаллик билан фикр юритишмади. Баъзиларни ҳисобга олмаганда нега кўпчилик делегатлар тақошабин бўлиб ўтиришди. Назаримда обком фаолиятига бу хилда бефарқ муносабатда бўлишнинг боиси — қолоқ психологиядан, эскича андозалар сирт-моғидан қутила олинмаётганлигидадир. Бундай бефарқлик кўпинча масъулиятни ўзига олмасликка, кузатувчанлик, кутувчанлик позициясига бориб тақалади.

Конференцияни ўтказишда шаклан ўзгаришлар бўлди. Ҳисобот доклади тезислари аввалдан матбуотда босилди. коммунистларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олиниб, қайтадан ишланган доклад нусхаси делегатларга тарқатилди. Шу боис уни конференцияда ўқишга ҳожати бўлмади. Вақтдан ютилди. Лекин уни муҳокама қилишда қизғин баҳс, мунозаралар, фикрлар хилма-хиллиги бўлмади. Залга микрофонлар қўйилди. Улар қарийб бўш турди. Демак, шаклий ўзгаришлар мазмунга мос келмаса, делегатларнинг фаоллигига, жонкуярлигига йўл очиб берилмаса, барибир нафсиз қоларар экан. Ўзбекистон Компартияси XXII съездига ва КПСС XXVIII съездига делегатлар, обком аъзоларини сайлашда ҳам эскича ёндашувлар устун келди. Улар муқобиллик асосида сайланмадилар.

Конференцияда обкомнинг ҳисоботи КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, партия Устави лойиҳалари билан биргаликда муҳокама этилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов нутқ сўзлади. Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров иштирок этдилар.

Вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Яширин овоз бериш йўли билан Р. М. Худойберганова обкомнинг биринчи котиби, А. П. Володарский иккинчи котиб, Э. Саманда-ров, Ғ. Машарипов, И. Аҳмедовлар обком котиблари этиб сайландилар.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАФАҚАЛАР МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

СССР Министрлар Совети билан ВЦСПС айрим тоифа ишчи ва хизматчиларга вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик юзасидан бериладиган нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Касаба уюшмасининг аъзолари бўлмаган ишчи ва хизматчиларга меҳнат қобилятини вақтинча йўқотганлик юзасидан нафақа касаба уюшмаларининг аъзолари учун белгиланган нормаларга мувофиқ берилади, деб белгилаб қўйилди.

Уч йилгача узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ишчи ва хизматчиларга шундай нафақа миқдори маошнинг 60 фоизигача оширилади. 21 ёшга етмаган ва 5 йилгача узлуксиз меҳнат стажига эга бўлган ҳамда ота-онасиз қолган етимларга маошнинг 80 фоизи миқдорида нафақа берилади.

Қарор 1990 йил 1 июлдан кучга киритилади.

ТАШРИФ ТУГАДИ

Миср Араб Республикасининг Президенти Ҳ. Муборак 16 май куни Кремлда СССР халқ депутатлари ҳузурида нутқ сўзлади. Адабиётчилар марказий уйида ижодкор зиёлиларнинг вакиллари билан учрашди. Шу билан Миср Араб Республикаси Президентининг СССР Президенти таклифига мувофиқ мамлакатимизга қилган расмий дўстона ташрифи программаси тугади.

Кремлда мисрлик меҳмонни кузатишга бағишланган расмий маросим бўлди. СССР Президенти М. С. Горбачев ва унинг рафиқаси Ҳ. Муборак ва унинг рафиқаси билан самимий хайрлашдилар.

Автомашиналар сафи мотоциклчилар фахрий ҳамроҳлигида Кремлдан аэропорт томон йўл олади.

Внуково аэродромида Ҳ. Муборакни СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси Е. М. Примаков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

МУКОФОТЛАР КОМИССИЯСИДА

СССР Министрлар Советининг буюк лойиҳаларни ишлаб чиққанлик ва ана шу лойиҳалар асосида қурилишни амалга оширганлик юзасидан мукофотлар комиссияси 1991 йилги мукофотларни олиш учун материалларни қабул қилади.

СССР Министрлар Советининг мукофотларини олишга:

қурилишларнинг энг яхши лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ана шу лойиҳалар асосида корхоналар (корхоналар гуруҳини), бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш ва шаҳарлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларини режалаштириш, қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишда;

илмий муаммоларни ишлаб чиқишда ҳамда фан ва техниканинг қурилиш, меъморлик, бинокорлик материаллари, қурилиш ва йўл машинасозлиги соҳасидаги энг катта ютуқларини жорий этишда бевосита иштирок этган ходимлар коллективлари кўрсатилиши мумкин.

Жамоатчилик томонидан кенг миқёсда тан олинган мазкур ишлар фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, ресурсларни тежайдиган технологиялар ва материалларнинг янги турларини, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини қўлланишни таъминлаши, шунингдек, қурилиш ишлари самарадорлигини ошириши лозим. Мукофотга тақдим этиш учун материалларни тайёрлаш чоғида энг яхши лойиҳаларни ишлаб чиққанлик ва шу лойиҳалар асосида қурилишни амалга оширганлик юзасидан СССР Министрлар Советининг мукофотини бериш тартиби тўғрисида СССР Давлат қурилиш комитети, СССР Давлат фан-техника комитети ва ВЦСПС 1983 йил 30 декабрда тасдиқлаган 296 (584) 17 сонли Низомга амал қилиш лозим.

Мазкур Низомга қўшимча равишда давлат тармоқ илмий-техника программаларини («Стройпрогресс—2000», «Монолит—90», «Енгил металл конструкциялардан қурилган бинолар», «Иситгичлар» ва бошқалар) бажариш натижасида олинган энг самарали ишланмалар учун бериладиган мукофот миқдори ҳар бир иш учун 40 минг сўмгача кўпайтирилиши мумкин.

Мукофотни олиш учун ишларни тегишли касаба уюшмаси идоралари билан биргаликда СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларининг Министрлар Советлари, Москва ва Ленинград шаҳар ижроия комитетлари тақдим этишлари мумкин.

Материаллар 1990 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Коллективларни тавсия этиш ва материалларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан СССР Давлат қурилиш комитетига, СССР Министрлар Советининг мукофотлар бўлимига қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин: 103828, ГСП, Москва, К-31, Пушкин кўчаси, 26-уй. Маълумот олиш учун телефонлар: 292-62-49, 292-68-07.

(ТАСС).



Янгийўлдаги ДОСААФ намунали автомобиль мактабида жумҳурият халқ хўжалиги ва СССР Қуролли Кучларига йилига юзлаб ҳайдовчилар етказиб берилмоқда. Ёшларнинг бу мактабга қизиқишининг боиси ўқиш ва спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилганида, мактаб коллективи шаҳар бошланғич ДОСААФ ташкилотларида оммавий мудофаа ва спорт ишларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатаётганида.

Суратларда: Автомобиль мактаби аълочиси Одил Йўлдошев (чапда) ҳамда ўқитувчи Мурод Холиқов йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулот пайтида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ сурати. (ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЎЗАНИДА

Инқилобий қайта қуришнинг асосий вазифаларидан бири шахснинг эркин ривожланиши учун қулай моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб беришдир. Табиатнинг ноёб ҳодисаси бўлган инсонни жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама камолга етказиш, талаб ва эҳтиёжларини қондириш эндиликда партия ва давлат бутун ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг, қайта тикланаётган инсонпарвар, демократик социализмнинг энг муҳим вазифасига айланиб боряпти.

Шунинг учун ҳам совет кишилари турмушини, айниқса, социалистик қурилишнинг барча босқичларида ўз самарали меҳнати билан жамият эътирофига сазовор бўлган кекса авлод вакиллари турмушини яхшилаш КПСС ва Совет давлатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгаши қабул қилган бир қатор қарорлар ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Уларда Октябрь инқилобини амалга ошириб, Совет ҳокимиятини ўрнатган, Улуғ Ватан уруши фронтларида мардларча жанг қилган, беш йилликлар ва урушдан кейинги тикланиш даврида сидқидилдан, виждонан меҳнат қилган кишиларга бир қанча имтиёзлар яратиш назарда тутилади.

СССР ҳукуматининг яқиндагина қабул қилган пенсияларнинг энг кам миқдорини ойига 70 сўмга етказиш ҳақидаги қарори ҳам, бирор сабабга кўра давлатнинг ижтимоий ҳимояси ва кўмагига муҳтож гражданларга анча мадад бўладиган пенсиялар ҳақидаги янги Қонун ҳам шу мақсадга қаратилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва жумҳурият ҳукумати аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга, етилган ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишга катта эътибор бермоқда. Масалан, Ўзбекистон ССРни 1990 йилда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш давлат планида аҳолининг, айниқса, кекса ёшдаги кишиларнинг моддий-маиший таъминотини яхшилаш учун бир қанча тадбирлар, шунингдек, пенсия таъминотини тартибга солиш ва бошқа турли ижтимоий чоралар белгиланган бўлиб, улар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Чунончи, ҳозир қишлоқ меҳнаткашларига шахсий ёрдамчи хўжаликлари учун ва якка тартибда уй қуриш учун ер тақсимланаётгани, шу мақсадда қарз берилиб, қурилиш материаллари сотилаётгани ҳам бунинг далилидир.

Ўтган йили пахта учун қўшимча ҳақ жорий этилгани, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳосини қайта кўриб чиқиш масаласи ҳал этилаётгани, мактабларнинг қуйи синфлари ўқувчилари бепул овқатлантирилаётгани, ногиронларни ва интернат уйларида яшайдиган қарияларни боқишга сарфланадиган ҳаражатларнинг оширилиши, хусусий квартираларда яшовчи олий ўқув юрти талабаларига ижара ҳақи берилаётгани, Ўзбекистон ССР Президентининг «Республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни емхашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорва маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармонини ҳам қайта қуриш ўзанида рўёбга чиқарилаётган хайрли ишлардан, деб билмоқ керак.

Кейинги вақтда Ўзбекистон ССР Президенти қариялар, уруш ва меҳнат ветеранларининг ижтимоий-маиший ва иқтисодий турмуш шароитларини янада яхшилаш борасида қатор чора-тадбирлар белгилади.

Республика Президентининг кўп болали оналарга бериладиган нафақаларни икки баравар ошириш ҳақидаги яқинда эълон қилинган Фармони, шунингдек, 1990 йил 8 майдаги «Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги Фармони ана шундай ғамхўрликдан далолат беради. Бу Фармонни ветеранлар чуқур миннатдорчилик туйғулари билан кутиб олдилар.

Фармонда 1990 ва 1991 йилларда турар жойга муҳтож бўлган барча Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган. Улар 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб квартира ҳақи тўлашдан озод қилиниши ҳамда коммунал хизматлар (сув таъминоти, газ, электр ва иссиқлик энергияси) учун тўлов миқдорининг қисқартирилиши эвазига ҳам анча иқтисодий фойда оладилар.

Маҳаллий Советлар ва маъмурий органларга, министрликлар ва идораларга Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига улар ҳозирги пайтда яшаб турган давлат ва идора уйлари ҳамда квартираларни шахсий мулк сифатида топшириш таклиф этилди. Шунингдек, уларга 1990—1991 йиллар давомида собиқ фронтчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг турар жой шароитларини анча яхшилаш, уларга халқ депутатлари маҳаллий Советлари, корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар маблағлари ҳисобига уй қуриб бериш ҳамда уй-жойлари ремонт қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Президентнинг Фармонига мувофиқ Социал таъминот вазирлиги системасидаги уруш ветеранлари учун мўлжалланган санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланиш, уларни боқиш ва дори-дармонлар билан таъминлаш анча яхшиланади.

Шунингдек Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларни автотранспорт билан таъминлаш масаласида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Маълумки, ҳозирга қадар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ҳамда ҳалок бўлган жангчиларнинг оилалари квартираларини телефон алоқаси билан таъминлаш муаммоси кескин бўлиб келганди. Жумҳурият Президентининг Фармонига кўра бу масала 1990—1991 йиллар мобайнида тўла ҳал қилиниши керак.

Шуни таъкидлаш керакки, масалан, ана шу белгиланган барча имтиёзлардан Хоразм областида 8 минг 200дан зиёд Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, жумладан 3300 нафарга яқин I, II, III группа ногиронлари, Фарғона областида 16 мингдан зиёд, Жиззах областида 5 минг 600 нафарга яқин уруш қатнашчилари ва ногиронлар, 800 дан зиёд ҳалок бўлган жангчи оилалари, 2 мингга яқин байналмилалчи жангчи фойдаланадилар.

Умуман, Президентнинг Фармонига мувофиқ республика бўйича 230 мингга яқин Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилалчи жангчилар, урушда ҳалок бўлган ўн минглаб ҳарбий хизматчиларнинг оилалари шундай имтиёздан фойдаланадилар.

Республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгаши Президент Фармони мазмунини ҳар бир уруш ветеранига, ҳар бир ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг оиласига етказмоқда. Кенгаш ушбу Фармоннинг тўла бажарилиши учун барча чора-тадбирларни кўришни ўз бурчи, деб билаётир.

Ўзбекистон ССР Президенти Фармонининг муваффақиятли бажарилиши халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, республика Социал-таъминот, Савдо, Соғлиқ назорат ўрнатиш лозим. Бу ниҳоятда зарурдир. Зеро, Ватаннинг мард ҳимоячилари ва уларнинг оилалари фаровонлигини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу Фармон кекса авлод кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига бағритошлик ва тўрачилик билан муносабатда бўлиш ҳолларига тўла барҳам бериш масъулияти билан йўғрилган.

Ўтган йили республика Уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашига 1200 дан зиёд ветеранлар ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилганлиги жойларда ҳали уларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборсизлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари кам эмаслигидан дарак беради. 1990 йилнинг фақат тўрт ойи мобайнидагина кенгашимизга жумҳуриятнинг турли жойларидан 150 дан зиёд ветеран шахсан, 160 нафар ветеран эса хат орқали ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилишди. Мазкур ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш уларда кўтарилган масалаларнинг аксариятини жойларнинг ўзида ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди. Ана шундай эътиборсизлик сабабли Сариосиё районилик уруш ва меҳнат ветерани В. Малофи икки йил мобайнида ўзини бирор савдо ташкилотига бириктириб қўйиш учун мурожаат қилавериб, бунга эриша олмагач, ҳақли талаб билан Тошкентга келишга мажбур бўлди. Чилонзор район алоқа ташкилоти эса ветеран Ғ. Соиповнинг уй телефонини ноқонуний тарзда узиб қўйиб, уни бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида ишга киритмаганлиги ва ҳ. к. ларни ҳам ўз ичига олади. Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини, ҳеч бир ишимизни, ҳеч бир ходимимизнинг ишини, ҳеч бир ташкилотимизнинг фаолиятини ҳеч ким, ҳеч нарсани ҳеч ким, ҳеч ким, ҳеч нарсани ҳеч ким, ҳеч ким, ҳеч нарсани ҳеч ким, давлат, маъмурий, жамоат ташкилотлари томонидан кекса авлод вакилларига нисбатан эътиборсизлик ва бағритошлик билан муносабатда бўлиш ахлоқий-маънавий қадриятларимизга зид ишдир. Ваҳолонки, айнан ана шу тегишли ташкилотлар жамиятимизнинг ёрдамга муҳтож кекса гражданларига ҳамма вақт ғамхўрлик ва эътибор, меҳрибонлик ва ҳамдардлик кўрсатишга даъват этилгандирлар.

Ҳозир биз мамлакатимиз ва республика ҳаётида юз берётган катта ва муҳим воқеаларнинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Республика партия ташкилоти меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини қайта қуришнинг иқтисодий ва сиёсий вазифаларини ҳал қилишга қаратиб, катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бормоқда.

Амалга оширилаётган ишларда ветеранлар республика партия ташкилотининг фаол ёрдамчилари бўлиб келишмоқда. Зеро, жумҳуриятимиз партия ташкилоти сиёсий авангард бўлишга, бутун халқимиз ва барча ижтимоий-сиёсий ташкилотларни инқилобий қайта қуриш вазифаларини ҳал қилиш йўлида бирлаштиришга интилаётгани аёндир.

Шунинг учун ҳам партия, уруш ва меҳнат ветеранлари ленинчи партияга нисбатан ножўя хуружларга, унинг халқ олдидаги обрўсини, коммунистлар ва партия комитетларининг обрўсини тўкишга бўлган уринишларга қарши қатъий норозилик билдирадилар. Улар қайта қуриш шиорлари ниқоби остида ўзининг шахсий манфаатларини, ҳокимиятни қўлга олиш учун кураш ниятларини кўзлаб қайта қуришга тўсиқ бўлаётган, тузумимиз асосларини обрўсизлантиришга уринаётган бузғунчи ва экстремистларнинг қилмишларига қатъий қарши турадилар.

Ўзини «миллий манфаатларни ҳимоя қилувчилар» деб атаётган айрим кишилар халқ оммасини чалғитишга, вазиятни беқарорлаштириб миллий низолар чиқаришга уринмоқдалар ва бу йўлда мавжуд қийинчиликлар ва нуқсонларни баҳона қилиб, ножўя усулларни қўлламоқдалар. Улар ҳатто зўравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка, одамларни бир-бирига гижгижлашга, партия, давлат ва жамоат ташкилотларига тазйиқ ўтказишга уринмоқдалар. Биз айрим ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг баъзи етакчилари ортиқча ҳисҳаяжонларга берилиб, партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, армиямиз шанига нисбатан туҳмат ва бўҳтон гапларни ҳам ҳеч уялмай айтаётганларининг гувоҳи бўляпмиз. Улар ёшлар онги ва қалбида миллатчилик ва экстремизм уруғларини сочишга, ўз мақсадлари йўлида улардан фойдаланишга уринмоқдалар. Бу сира ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Биз — ветеранлар бундай ҳаракатларни қатъий қоралаймиз.

Бугунги қийин бурилиш даврида жамиятимизнинг турли тоифадаги қатламларини уюштириш, уларнинг куч-ғайратларини инқилобий қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга қаратиб учун республиканинг барча соғлом кучларини ҳар қачонгидан кўра ҳам маҳкамроқ жипслаштириш лозим.

Республика ветеранлар ташкилотлари, барча уруш ва меҳнат ветеранлари мамлакат, жумҳурият иқтисодий жиҳатдан мураккаб вазиятни бошидан кечираётганига қарамай, муҳим ва зарур Фармон қабул қилганлигидан миннатдордирлар ва улар Ўзбекистоннинг совет халқлари қардошлик оиласида янада равнақ топиши, одамлар фаровонлигини ошириш учун бўлаётган яратувчилик жараёнларида фаол қатнашиш учун ўзларининг бутун куч-ғайратлари ва ҳаётий тажрибаларини сарфлайверадилар.

Р. ҒУЛОМОВ,
Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси.

• *Қишлоқ ҳаёти: истиқбол ва муаммолар*

ДАЛАДАН, ОДАМЛАР ОРАСИДАН ИЗЛАНГ

ҚАЙТА ҚУРИШ ВОЯГА ЕТКАЗАЁТГАН РАҲБАРЛАР ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Хизмат юзасидан Нишон районига қўнғироқ қилдим.

— Райкомнинг биринчи котибини сўраяпсизми? Эртадаб далага чиқиб кетганди, — деди котиба ва қўшиб қўйди, — Кабинетда кам ўтиради.

Дарҳақиқат, уни гоҳ у совхозда, гоҳ бу совхозда кимнингдир хонадонида, тўйда, азада учратасиз. У узундан-узоқ мажлис қилиб ўтирмайди, одамлар билан дилдан суҳбатлашади, улар билан бир дастурхон атрофида ўтириб чойлашади...

— Ҳайитмурод Фармоновни райкомнинг биринчи котиблигига учта яхши хислати учун сайлаганмиз. Биринчиси, тиниб-тинчимас раҳбарлиги, иккинчиси доимо одамлар орасида бўлиши, учинчиси камтарлиги ва инсонийлиги учун!

Бу хислатларни чуқур шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Унинг таржимаи ҳоли ҳам бошқаларникидан фарқ қилмайди. Олий маълумотли иқтисодчиликдан хўжалик раҳбари даражасига кўтарилган. Х. Фармонов кўп йиллар Қашқадарё области совхозларида каттакичик вазифаларда ишлади. Сальвадор Альенде номли 5-, Усмон Юсупов номли 6-совхоз аъзолари собиқ директорларининг хайрли ишларини кўп эслашади.

Мана, Усмон Юсупов номли совхозни олайлик: хўжалик марказий қўрғони шаҳарларникидан қолишмайдиган, гўзал посёлка. Унда турна қатор уй-жойлар ва шинам кўчалар кўзга яққол ташланади. Хонадонлар газлашган ва водопроводлашган. Клуб, маиший хизмат уйи, нон комбинати ишлаб турибди. Биргина совхоз нон комбинатининг ўзи 33 хил нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётир. Уй-жойларда Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши районлари ва Фарғона водийсидан кўчиб келган 5,5 мингдан ортиқ киши истиқомат қилмоқда. Меҳнатга яроқли 900 нафар киши бугунги кунда чўлқуварлар сафида хўжаликда пахта ва бошқа деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил хизматда.

Кейинги уч йилда совхозда уй-жой муаммосини ҳал этиш мақсадида дадил қадам ташланди. Хўжалик ҳисобидан деҳқонларга 60 та коттеж типидаги уй-жой қуриб берилди. Шуниси қувончлики, бу уй-жойлар ишчиларга қарзни 25 йил муддатда узиш шарти билан топширилмоқда.

Чўлқуварлар Ҳайитмурод Фармонов район раҳбарлигига кўтарилганда совхоз директорлигига партком секретари, ишчан коммунист Холиёр Абдуназаровни таклиф этишди. Х. Абдуназаров ҳам сўзи кескир, аммо камтар, талабчан инсон. Энг муҳими, у одамлар билан ишлаш санъатини Фармоновдан ўрганган. Шунинг учун ҳам у коллектив ишончини оқламоқда. Унинг раҳбарлигидаги хўжалик даромадга бой, аҳолиси фаровон турмуш кечираётир.

Райондаги яна бир совхоз воҳанинг биринчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чўли Бегимқулов номи билан юритилади. Бу хўжаликда ер очиб, минг-минг тонналик «оқ олтин» хирмони яратганлар яқин-яқингача кўкларга кўтариларди-ю, бироқ ўша хирмонларнинг асл қийматини, пахтакорнинг тирикчилигини, фаровонлигини ҳеч ким сўраб-суриштирмасди. Қарсакбозлик авжга минган пайтлар эмасми, деҳқон қисмати билан ҳеч ким қизиқмасди.

Бу билан чўлқуварлар меҳнатини камситмоқчи эмасмиз. Улар ер очишди, чўлда янги ҳаёт барпо этишди. Аммо айрим ноқобил раҳбарлар эл-улусни ўйламай соҳта шуҳрат изидан қувдилар.

Қайта қуриш шабадалари эскича удумларни, эскича иш услубларини супуриб ташлади. Раҳбар кадрларга муносабат ўзгарди. Хўжаликка ёш, дадил, шижоатли, янгича фикрловчи коммунист Баҳриддин Мингяшаров директорликка тайинланди. Узоқ йиллар давомида пахта тайёрлаш планлари ўлда-жўлда қолиб келган бу совхоз юксалишнинг ойдин йўлига тушиб олди. Биргина ўтган йили давлатга 4600 тонна пахта топшириб, бу соҳадаги планни 120 процентга ўринлатди. Илгари бир неча ойлаб иш ҳақи ололмай сарсон-саргардон бўлган ишчиларга йил якуни билан 700 минг сўм қўшимча иш ҳақи берилди. Сувчи ва механизаторларнинг ўртача ойлик маоши 250—300 сўмданга тўғри келмоқда.

Совхоз марказида ишчилар учун янгидан турар жой бинолари қурилмоқда. Қатор-қатор магазин, ошхона, маиший хизмат уйи, қишки клуб аҳоли хизматида. Қаровсизликдан нураб бораётган уй-жойлар ремонт қилиниб, одамларга берилаётир. Раҳбарлик иш услубидаги сезиларли ўзгариш — бу янгиланиш самараси. Ҳамза Ҳакимзода номли, «ВЛКСМ XVIII съезди», «Ленинобод», «Пахтаобод», «Коммунист», Беруний номли, «Туркманистон» совхозларида ҳам янгиланиш самараси кўзга ташланаётир. Кўпгина янгича иш услубида ишлаётган директорлар ишни барча бўғиндаги раҳбарларни саралашдан бошладилар. Давр руҳини ҳис этувчи кишилар меҳнат коллективларига етакчиликка сайландилар.

Ўтган йили район пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан 17,5 миллион сўм соф фойда олди. Тўғри, «Туркманистон», «СССР 50 йиллиги» каби давлатдан қарздор совхозлар бор. Ҳозир бу хўжаликлар ижара пудратига тўлиқ ўтиш эвазига давлат қарзидан халос бўлдилар. Район бўйича 1300 та, шундан 943 пахтачилик бригадаси чек системасига ўтиб ишлаяпти. Ишни ташкил этишнинг бу илғор усули катта моддий фойда келтирмоқда.

Район партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, иш жойларини кенгайтириш, янги-янги қувватларни ишга туширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Иркутсклик саноатчилар билан шартномалашиб, консерва заводи ва кичик саноат объектлари қуришга келишиб олинди. Ҳамкорлик эвазига бинокорлик материаллари таъминоти ҳам яхшиланмоқда. Автовокзал, спорт стадиони, мактаб, болалар боғчалари қурилиши авж олдирилди. Яқинда Нишонда 30 та коттеж типидаги уй-жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, район марказида 83 та, Толлимаржон шаҳрида 300 та хўжаликка дала ҳовли берилди. Совхозларда 2700 гектар ер томорқа участкаларига тақсимланди.

Ижтимоий муаммолар қаторида ишчи ўринлари етишмаслиги масаласи ҳам тўсиқ бўлиб турибди. Шунга кўра 1,5 минг ишсиз кишини иш ўринлари билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Бева-бечора, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидлар, боқувчисиз кишиларга ғамхўрлик тубдан кучайтирилди.

Энг муҳими, район раҳбарларининг одамлар қалбига йўл топа олганлигидир. Раҳбарки тўйда ҳам, азада ҳам оддий одамлар қаторида турса, ҳамиша эл ташвиши билан яшаса, албатта эл-юрт эътиборини қозонади. Бунга Нишон райкомининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳайитмурод Фармонов, район партия, совет ташкилотлари раҳбарлари яққол мисол бўла олади.

— Биз аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг аниқ йўлларини топишга эришяпмиз, —деди биз билан суҳбатда даладан эндигина қайтган котиб. — Тўғри, савдо ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа корхоналари ишида ҳали бир қатор камчиликлар бор. Партия ва совет ташкилотлари бу муаммоларнинг олдини олиш тадбирларини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Энг муҳими, одамлар жойларда ижтимоий адолат ўрнатилаётганлигидан қониқиш ҳосил қилмоқдалар.

Котибнинг гапида жон бор. Ҳозир одамларда келажакка ишонч пайдо бўлди. Энди йиллар мобайнида кўнгилларга ўрнашиб қолган ишга «Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар» қабилида ёндашиш кайфиятлари йўқ. Ҳамма меҳнатга чинакамига, астойдил киришаяпти. Бунинг боиси қайта қуриш халқпарвар раҳбарларни вояга етказаётганлигидан бўлса керак. Зотан, одамлар ҳамиша яхшига эргашишга, ишонишга интилишади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мақсад— ўстиришга қолдириш

БУХОРО ОБЛАСТИ. Ғиждувон районидаги «Кўкча» совхози чорвадорлари бу йилги қўзилатиш мавсумида астойдил меҳнат қилдилар. Улар ҳар юз бош совлиқдан 105 тадан қўзи олишди. Шуниси диққатга сазоворки, янги туғилган қўзиларнинг асосий қисми ўстиришга қолдирилди. Айни кунларда бу ерда қўйларни кенг яйловларга олиб чиқиб, яйратиб боқишга эътибор кучайтирилмоқда.

Айниқса, бош чўпон И. Араббоев етакчилигидаги чўпон-чўлиқлар ўз боқимларидаги қўйларни меҳр билан парваришламоқдалар.

Суратда: бош чўпон И. Араббоев ва совхоз директори А. Насимов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Музокара бошланди

СССР Президенти М. С. Горбачев билан АҚШ Президенти Ж. Буш ўртасида бўладиган учрашувга тайёргарлик юзасидан 16 май куни Москвада СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер билан музокараси бошланди.

Яккама-якка ўтган суҳбат уч соатдан кўпроқ давом этди, суҳбат чоғида Совет—Америка муносабатларини ривожлантиришнинг руҳи ва истиқболларини белгиловчи энг муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Сўнгра экспертлар иштирокида қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш муаммолари муҳокама қилина бошлади. Министрлар қуролсизланишнинг аниқ йўналишлари юзасидан ишчи группаларга топшириқлар беришди.

(ТАСС).

• *Юрган дарё*

САВОБЛИ ИШЛАР

Иминжон Юсуфжон ўғли асли Намангандан. Бир сабаб билан болалигида Хитой Халқ Республикасининг Ғулжа шаҳрига бориб қолган. Шу ерда униб, ўқиб, камол топди. У киши ҳозир Ғулжа шаҳар халқ қурултойи депутати, шаҳар ҳукумат сиёсий кенгашининг аъзоси ва уйғур автоном районидаги «Ўзбек тили ва адабиёти» кенгаши ҳайъатининг аъзоси. Иминжон ака қариб 70 йилдан кейин яна Ватанига меҳмон бўлиб келди. Биз у кишидан жумҳуриятимиз шаҳарлари, янгиланиш нафаси кезиб юрган жойлар ҳақидаги таассуротлари ҳақида сўрадик.

— Аввало шуни айтишим керакки, — дейди Иминжон ака, — Ўзбекистон диёрида юз бераётган янгиликлар ҳақида озми-кўпми эшитиб, бағоят мамнун бўлиб юрардим. Мана, энди ўз кўзим билан кўриб, ҳайратим янада ортди. Боиси, демократия, ошкоралик ва ҳаёт тарзининг барча жабҳаларида олиб борилаётган поклaниш, турмуш кундан-кунга яхшиланиб бораётгани кўзга ташланади.

Хусусан, Наврўз байрамининг алоҳида дам олиш куни тарзида тантанали нишонланги диққатга сазовор. Мен Андижон, Жалолобод, Наманган ва жумҳурият пойтахтида бўлиб, бирга ўқиган ва ўқитган таниш-билишларим билан учрашдим. Уларнинг тилида ҳам, дилида ҳам жумҳуриятда юз бераётган янгиланишлар.

Яна бир савобли иш, у ҳам бўлса, одамларнинг миллий эътиқодига ўзига хос кенглик берилгани. Жойларда бўлиб мачитларнинг таъмирланаётгани, айрим ерларда янгилари қурилаётганининг гувоҳи бўлдим. Рамазон ҳайити азалий байрамлар тусини олгани ҳам кишиларда умидбахшлик уйготди.

— Сиз узоқ йиллар Ғулжадаги «Намуна» мактабига мудирлик қилиб, қобилиятли шогирдлар орттиргансиз. Билишимча, у мактабни битирган кўпчилик ёшлар жумҳуриятимизда самарали меҳнат қилишмоқда. Шулар ҳақида гапириб берсангиз?

— «Ўзбек намуна мактаби»нинг фаолиятидан кўпчилик баҳраманд бўлган, десам муболаға бўлмас. Боиси, шу мактабни тамомлаган ёшлар Хитой Халқ Жумҳуриятидагина эмас, балки Совет Иттифоқининг турли шаҳарлари, шунингдек, Америка, Австралия, Туркия ва бошқа жойларда ҳам ўз ихтисослари бўйича ишончни оқламоқдалар. Тошкент шаҳрида эса шу мактаб талабаларидан битта фан доктори, ўн нафарга яқин фан номзодлари, 30 га яқин олий маълумотли ёшлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Мен жумҳуриятингизда амалга оширилган яна бир савобли иш ҳақида сўзлагим келади. У ҳам бўлса, ўзбек тилига Давлат мақомининг берилиши. Бундай хайрли иш билан ўзбек халқининг маънавий ўтмишига чироқ ёқиб, ўзига хос зиё таратилди. Назаримда, бу билан ўзбек классик адабиётининг йирик намояндалари, хусусан Алишер Навоий руҳи шодланди. Мен Ўзбекистонга бироз кечикиб келгандекман. Шунга қарамай, ажойиб таассуротлар билан бойидим.

М. БАҲОДИРХОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

• *Маданиятимиз арбоблари*

МЕҲНАТ ВА ЭЪЗОЗ

ШОГИРДНИНГ камоли— устознинг жамоли. Бу ҳикматни СССР Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти умумий педагогика кафедрасининг мудири Сиддиқ Ражабович Ражабов хонадонига ташриф буюрганимда ҳис этдим. Мураббий шогирдлари даврасида хушнуд ўтирар, чеҳрасидан табассум аримасди. Мен ана шу дуркун даврани бузгим келмади, беихтиёр ўзимни панага олдим. Бироз мураббий чеҳрасидаги табассумни бир соний бўлса-да, сўнгдиргим келмасди. Лекин ҳар қалай уй соҳибининг юраги сездими, остона томон қайрилди, ўрнидан оғир қўзғалди, келишим боисини билгач, ижодхона томон бошлади.

Оддий хона. Баъзилар ўз хоналарини безаш, биллур буюмлар билан тўлдириш ва эл кўзига яхши кўрсатиш пайидан бўладилар. Мен эса бу оддий ва шинамхонада таълим ва тарбияга оид китобларни, куни кеча босмадан чиққан жаридаларни, ёзилиши керак бўлган саҳифаларни, буёқ ҳиди анқиб турган рисолаларни кўриб турибман. Ана шу бойликнинг ўзи маънавий қадриятдан дарак беради. Суҳбатдошим эҳтимол бундан саксон йил муқаддам Авлиёотада (ҳозирги Жамбул) таваллуд топиб, болаликданоқ илм-маърифат сари талпинганлиги шундамикин? Ўзининг ўн олти ёшида Фарғона педагогика техникумига ўқишга кирганлиги мана шу муқаддималарнинг ўзидир. Ўқишни битиргач, олис Ғузор районига йўл олганлиги, жамоа хўжалиги ёшлари мактаби мудири бўлганлиги, сониян ўқишни давом эттириш ниятида, яна Фарғона педагогика институти ижтимоий-адабиёт факультетига ҳужжат топширгани-чи? Имтиҳонларни юқори баҳоларга топшириб, талабалик дафтарини қўлга киритган кездаги хурсандчилиги...

Сиддиқ Ражабов ҳали ўқишни битирмаёқ Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Фарғона педагогика техникумига раҳбарлик қила бошлади. Бу унга икки бор масъулият юклади. Ўқиш, изланиш, шу билан бирга таълим-тарбия сифатини яхшилаш... У шу йўл изидан борди, тинимсиз ўқиди, ўрганди. Институтни битирибоқ педагогика кафедрасига ассистентликка қолдирилди. Бу катта ишонч эди. Уни оқлаш учун тинимсиз ҳаракат қилиш зарур эди. С. Ражабов бунинг уддасидан чиқди. Шу билан баробар Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон 5-йиллиги номли ишчилар факультетини бошқарди.

Лекин унинг учун бошланган илмий ишини ниҳоясига етказиш муҳим эди. У фақат шуни ўйлар, шу йўлдан чекинмасликка интиларди. Ниҳоят, 1934—1937 йиллари Тошкентга келди. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти аспиранти бўлди. Тошкент педагогика институтида муаллимлик қилди.. 1941 йили илмий ишини ҳимоя қилди — у педагогика фанлари бўйича жумҳуриятимизда ягона номзодлик шоҳсупасига кўтарилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Сиддиқ Ражабов партия ва шўро бўлимларининг масъулиятли соҳаларида самарали фаолият кўрсатди. У «Қизил Ўзбекистон» газетаси масъул муҳаррирининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1943—1947 йиллар мобайнида эса «Қизил Ўзбекистон» газетасига масъул муҳаррирлик қилди. Демак, устоз рўзномачининг машаққати, масъулиятини яхши ҳис этади. Мен унинг хира тортган кўз нурларини ана шу дамлардаги қийин ва мураккаб иш фаолиятига йўйдим. Бу бежиз эмас эди. Уруш мамлакатнинг турли ҳудудларида сурон ила давом этар, жумҳуриятимизда эса меҳнат жанги қизғин борарди, ҳар икки жанг бири-биридан машаққатли эди. Рўзнома ходими, билъакс масъул муҳаррир учун бу оғирлик зиммага икки баробар тушиши аниқ, бу оғирликни енгиш, енгиб ўтишнинг ўзи ҳар бир кишидан тунни тонгларга улаш, муҳим хабарларни қайта-қайта кўриш, уларни эл назаридан ўтказишга киришиш, ўқиш, таржимани чоғиштириш зарурати ҳам кўндаланг турарди.

— Бир нарса алам қиларди одамга, — куюниб сўзлади Сиддиқ Ражабович. — Кунларнинг бирида Курск жанги ҳусусида муҳим ҳабар келиб қолди. Ўзингиз биласиз, бундай хабарлар ғоят муҳим, шу заҳоти рўзнома саҳифасидан жой олиши керак. Шербек Алиев зудлик билан таржима қилишга киришди. Энди таржимани кўриш, зеҳн билан солиштириш ва ниҳоят теришга туширишга керак. Шу ўринда «Правда Востока» рўзномаси ходимлари учун вазият ўзгача бўларди. Улар муҳим хабарни ўнг қўли билан олиб, чап қўли билан теришга юборишаверишарди.

Яна бир воқеани айтмасдан ўтолмайман.—Сиддиқ ака бир муддат сукут сақлади, сўнг ҳаёлида ўша воқеаларни жамлади шекилли, оҳиста сўз бошлади: — Партия Марказий Комитетининг бюроси давом этарди. Тўғрироғи у эрталаб соат саккизда бошланган ва пешиндардан сўнг тугади. Биринчи котиб Усмон Юсупов мажлис ниҳоясида «Қизил Ўзбекистон» муҳаррири Ражабов ва «Правда Востока» муҳаррири Александров бюро баёнини зудлик билан рўзномада бериш ва уни бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокама қилишни топширди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мана шу мажлисда иштирок этишнинг, сониян муҳаррирлигидаги бир-бирига занжирдек уланган ташвишларнинг ўзи қанча куч, ирода, сабот ва матонат талаб қилади. Тўғри эмасми?

Беихтиёр бош қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилдим. Шу орада Сиддиқ Ражабович яна бир воқеани сўзлаб берди. Гап орасида бу сирни огоҳ этмасликни, яъни қоғозга туширмасликни айтиб ўтди, орадан бир оз вақт ўтгач, ёзсангиз ҳам майли, дегандай розилик берди.

Гап шундаки, бу воқеани тинглагач, бутун вужудим музлаб кетди. Юрт олов ичра, билаги кучга тўлган йигит-қиз олов ичра, шаҳар ва қишлоқ олов ичра, муқаддас замин ва Ватан олов ичра ёнаётган, кул бўлаётган кезлар... Ногоҳ Сирдарё бўйларида машиналарнинг гулдуроси янграйди. Сиз билан биз меҳр қўйган кишилар оромгоҳ сари талпинади: Барра кабоблар, палов ҳидлари ўрмалайди. Хонанданинг майин овози таралади, раққоса хиром айлайди ва... ана шу хушбичим, танноз аёлчалар ялтоқланади... Қаердадир замбарак овозлари гумбурлаётгани билан ишлари йўқ уларнинг. Танк остида нимта-нимта бўлаётган жасадлар билан ишлари йўқ уларнинг. Ватан учун жон олиб, жон бераётган арслон келбат йигитлар билан ишлари йўқ уларнинг. Даҳшат, нақадар даҳшат! Лекин, минг афсуслар бўлсинки, орадан соатлар ўтказиб ана шу одамлар хона эшиклари дастасини шиддат билан очадилар-да, илгаригидек тўраларча буйруқ ва фармонлар беришга ошиқадилар...

Ватаннинг муқаддас тупроғи бир ҳовуч тўраваччалар билангина эмас, ўз жонини, жаҳонини қурбон қилишга шай бўлган мард, фидойи, алп йигит-қизлар жасорати туфайлигина омон қолди. Сиддиқ Ражабович ана шу омон қолган муқаддас тупроқ кишилари фаолиятини илм-фан кўзгусида кўрсатишга интилди. Илмий-педагогик фаолиятга қайтишни орзу қилди ва ниҳоят Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика кафедрасини бошқарди. 1958 йили унга педагогика фанлари доктори илмий даражаси берилди, орадан бир йил ўтгач, РСФСР Педагогика Фанлар академияси мухбир аъзоси этиб сайланди. 1960—1966 йилларда Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига раҳбарлик қилди, шундан сўнг яна қадрдон даргоҳига қайтиб, кафедрани узлуксиз бошқариб келаётир.

Бугунги кунда жумҳуриятимизда миллий мактабларни яратиш учун жон куйдирган оташин курашчилар фаолиятини ўрганиш борасида катта ишлар олиб борилаётир. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг педагогик фаолияти бўйича бир қатор монография ва мақолалар эълон қилинди. Ўзбекистон халқ педагогикаси масалаларининг тадқиқоти бўйича монография ниҳоясига етиш арафасида. Урушдан кейинги йилларда илк бор Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий педагогик меросини ўрганиш кенг кўламда олиб борилди.

Сиддиқ Ражабович жумҳуриятимиз ташкил топган дастлабки йиллардаги қийинчиликлар хусусида тўхталди. Тўғри, ўша пайтларда жумҳуриятда мактаблар ва педагогика фанларининг равнақи бўйича ягона тадқиқот ишлари маркази ташкил этилмаган, юқори илмий малакали мутахассислар бармоқ билан санарли, ҳатто айрим илмий ходимларда ўтмиш маданий меросини менсимаслик ҳоллари ҳам учрарди. Шундай бўлса-да, жумҳуриятимиз педагогик олимлари ҳар қанча қийинчиликларга қарамай, бир қатор муваффақиятларга эришдилар. Совет педагог олимлари Е. Мединский, Н. А. Константинов, И. А. Каиров, Н. К. Гончаров, К. И. Львов, И. В. Чувашев, К. Е. Бендриков, В. З. Смирнов, Ф. Ф. Советскин, М. И. Кондаков, М. Ф. Шабаева ва бошқалар жумҳуриятимиз илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Олим ўқувчи-ёшларнинг маънавий, меҳнат, ватанпарварлик тарбияси муаммоларини ишланмалари билан изчил шуғулланди. Айниқса, Ленин меросининг таълим ва тарбия соҳасидаги тарғиботи масалалари бўйича ўнлаб мақолалар, монографиялар ёзди. К. Маркс, Я. А. Коменский, К. Д. Ушинский, В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов, Н. Т. Чернишевский, Л. Н. Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, А. В. Луначарский, Н. К. Крупская, А. М. Горький, А. С. Макаренко ва бошқаларнинг педагогик қарашлари ва фаолиятларига оид рисолалар, илмий мақолалар эълон қилди. Энг асосийси, Шарқ маърифатпарварларининг таълим ва тарбия борасидаги меросига эътиборни қаратди.

Атоқли олимнинг яна бир жиҳати унинг тиниб-тинчимаслигидадир. 9 монография, 15 та рисола, 200 дан ортиқ илмий-назарий ва оммабоп мақолалар таълим ва тарбияга бағишланган. С. Ражабов бир неча йил мобайнида Тошкент давлат доирилфунуни ҳузурида ташкил этилган педагогика соҳасида илмий даражалар берадиган бирлашган илмий кенгашга раис, айни вақтда Низомий номидаги Тошкент ва Душанбе давлат педагогика институтлари қошидаги шундай кенгашга аъзо бўлди. Аллома 16 йил СССР Педагогика фанлари академияси Президиумининг аъзоси, 35 йил Ўзбекистон ССР Маориф вазирлиги ҳайъати аъзоси, 45 йилдан буён «Совет мактаби» журнали таҳрир ҳайъатининг аъзосидир. Яна унинг ўнлаб жамоат ишларига улгуришини айтмайсизми?

Гап айланиб қайта қуриш давридаги таълим-тарбия муаммоларига қадалди. Тўғри, муаммолар кўп. Лекин мураббий Сиддиқ Ражабович ана шу муаммоларнинг ҳал этиш йўлларини қидиришда изланмоқда.

Сиддиқ Ражабовични яна шогирдлари даврасида қолдиргим келди. Ҳақиқатан, шогирдларининг юзи ёруғ эканлигидан далолат берарди. Ахир, етти нафар педагогика фани доктори бевосита устознинг йўл-йўриқлари, қимматли маслаҳатлари билан илмий ишини ниҳоясига етказган. Юздан ортиқ фан номзоди эса Сиддиқ Ражабович Ражабовни «устоз мураббий» деб эъзозлаши бежиз эмас. Ахир, уларнинг илмий иши саҳифаларида устознинг кўз нурлари тўкилган, таҳрир этган, тўғрилаган, тўғри йўл кўрсатган ва оталиқ қилган.

Ана, Сиддиқ Ражабовичнинг чеҳрасига нур ёйилди. У шогирдлари даврасида хушнуд, бардам ва ўзини тетик тутяпти. Кўксида қатор орден ва медаллар. Эшик қўнғироғи жиринглади. Яна шогирдлари ташриф буюришди...

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЯКДИЛ ҚАРОР

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бевосита ташаббуслари ва раҳбарликлари остида яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси қароргоҳида жумҳурият уламоларининг йиғилиши бўлди.

Бир неча йиллардан бери ўлка мусулмонлари ўртасида яширин ҳолатда мавжуд бўлган ихтилофлар ошкоралик шароитида юзага қалқиб чиқди. Бу ҳолат жамият тараққиётига, хусусан, мусулмонлар жипслигига катта тўғоноқ бўлиб келмоқда эди. Мазкур мажлисда бу зиддиятга чек қўйилди.

Мажлис қарорига мувофиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний бошқарма атрофида жипслигини таъминлаш мақсадида уларнинг Қуръони карим ва суннати набавияга амал қилиб, ақидавий масалаларда аҳли суннат ва жамоат мазҳабига, фиқҳий масалаларда эса Ҳанафий мазҳаби кўрсатмаларига амал этишлари лозимлиги таъкидланди.

Пайдо бўладиган баъзи ихтилофли масалалар мажлисда сайланган 9 кишидан иборат ҳайъат томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорга биноан ҳал қилинади.

Мазкур кундан эътиборан мусулмонлар ўртасига ихтилоф солишга сабаб бўлувчи хаттиҳаракатларни содир қилган шахс, ким бўлишидан қатъи назар, ислом ва мусулмонларнинг мухолифи, деб эълон қилинишига якдиллик билан қарор қилинди.

Мажлис қарорига мувофиқ бундан буён жойлардаги масжид имом-хатиблари ўз фаолиятларини диний бошқарма билан тузган ўзаро аҳдномалари асосида амалга оширадилар.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ БОШҚАРМАСИНИНГ ОЛИЙ ҲАЙЪАТИ.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 80 йиллигига

ЧИН САНЪАТКОР

Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Шайхзода, Яшин ва Миртемир мансуб бўлган ёзувчилар авлоди ўзбек совет адабиётининг уфқида ёш юлдузлар ўлароқ пайдо бўлганида Ҳамза ва Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар қайнаб ижод қилмоқда эдилар. Аммо 30-йилларнинг даҳшатли довули бу азамат чинорларни илдизи билан қўпориб кетди... Ва тарих бу ёзувчилар зиммасига ижод машаққатларини енгиб, маҳоратни ошириш, ўзбек халқи адабиётининг кейинги тараққиётини ҳар томонлама таъминлаш вазифасини юклади.

Ўзбек совет адабиётида Ҳамид Олимжон шеърияти ана шу тарзда пайдо бўлди. Узоқ йиллар мобайнида юксак шеъриятнинг жонли тимсоли бўлиб келган Ҳамид Олимжон номи ана шу тарзда пайдо бўлди.

Ҳамид Олимжон йигирма йиллик ижодий фаолияти давомида ўзбек адабиётининг барча тур ва жанрларида ўз қаламини синаб кўрди: носир сифатида ҳикоя ва очерклар, публицистик мақолалар яратди; икки шеърий драмаси билан истеъдодли драматург сифатида майдонга чиқди; жаҳон ва рус адабиётининг ўлмас намуналарини ўзбек тилига маҳорат билан ўгириб, таржимон сифатида шуҳрат қозонди; адабий мерос ва халқ оғзаки ижодини ўрганишга қаратилган илмий ишлари билан ўзбек адабиётшунослигининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди. Аммо унинг асосий хизмати, унинг номини халқ дилига пайванд қилган омил шеърият билан боғлиқ. Ҳамид Олимжон ўзининг шеърият соҳасидаги изланиш ва эришмалари билан Чўлпондан кейинги энг хассос ўзбек шоирларидан бири бўлиб қолди.

Ҳамид Олимжон ва унинг қаламкаш дўстлари яшаб ижод этган тарихий давр, бир томондан, улар истеъдоди тезроқ куртак ёзиб гуллаши учун шароит яратган бўлса, иккинчи томондан, истеъдод нурларидан муайян мақсадда фойдаланишга уринди. Шунинг натижасида улар даврнинг ўткинчи муаммолари билан кўпроқ қизиққан, умуминсоний мавзулар талқинидан четда ижод этган пайтлар ҳам оз бўлмади. Аммо шу нарса аниқ бўлдики, чинакам истеъдод соҳиби қандай давр кечмасин, қандай шабадалар эсмасин, умуминсоний қадриятлар яратиш йўлига эртами-кеч, албатта, чиқиб олади.

Ҳамид Олимжон ҳам ана шундай йўлни босиб ўтди.

Лирика шоир қалбининг йилномасидир. Шоир руҳан бой, сезгир, зукко ва ўз халқи билан тақдирдош бўлганлиги сабабли ҳатто унинг шахсий туйғулари ҳаракатида ҳам китобхон учун аҳамиятли, нурли қирралар бўлади. Ҳамид Олимжон лирикасидаги ана шу қирралар ҳали ҳам порлоқдир.

Хаёлимда бўлдинг
узун кун,
Сени излаб, қирғоққа
бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган
тунда
Топиб бер, деб ойга
ёлвордим...
Толеимнинг ошиноси
сен,
Сен севгимнинг кўкарган
боғи.
Сенинг билан бирга
иқболим,
Ишончимнинг сен вафо
тоғи.

Қора денгиз соҳилларида туғилган бу сатрларда лирик қаҳрамоннинг севги туйғулари нур сочиб туради. Шоир китобхонни бу туйғуларнинг бокиралиги ва самимийлиги билан мафтун этади. Шекспир сонетлари ё Навоий ғазалларида бўлгани каби бу мисраларда ҳам муҳаббат инсон қалбининг кумуш мавжлари ўлароқ жилва беради. Китобхон бу севгининг мусаффо ва мовий тўлқинларидан сархуш бўлади, бу тўлқинлар ундаги мудроқ ҳисларни жунбушга келтиради, уни боқий гўзаллик билан ошно этади.

Дунё гўзал, нечунким,
унда
Сенинг билан биз бормиз
доим,
Унда одам қолмаган
кунда
Бошланажак
«қиёмат-қойим»...
Гўзал этмиш дунёни
одам,
Одам билан гўзалдир
ул ҳам.

Агар дунёнинг гўзаллиги инсон билан барқарор бўлса, инсоннинг гўзаллиги унинг қалбидаги боқий туйғулар, файзли фазилатлар билан белгиланади. Ҳамид Олимжон ўз лирик қаҳрамонининг руҳий бойлигини муҳаббат мавзуи орқали, табиат манзаралари тасвири орқали ёрқинроқ очишга эришади. Шундай ҳоллларда лирик қаҳрамон қалбидан сизиб чиққан туйғулар шалоласи умуминсоний қиммат касб этиб, китобхонни ўз сеҳрига олади.

1937 йил мартида Ўзбекистон ҳукумат делегацияси таркибида қардош қозоқ диёрига борган ва 23 март куни Қозоғистон Советларининг қурултойида қозоқ халқини юрак сўзи билан муборакбод этган шоир қозоғистонлик дўстлари ҳузурида бир неча кун меҳмон бўлди. 29 март куни у қардош диёр билан видолашганида, Олмаота қишнинг оппоқ гилами билан қопланган эди. Шоир 30 март куни, Тошкентда, ўз уйида уйғониб, дераза оша чаман бўлиб гуллаган ўрикни кўрди. Куни кеча қалин қор кечиб юрган шоир учун бу кутилмаган, аммо фусункор бир манзара эди.

Деразамнинг олдида бир
туп
Ўрик оппоқ бўлиб
гуллади...

Бу мисралар билан бошланган шеър узоқ йиллардан бери ўзбек диёрига келувчи баҳорнинг мадҳияси сифатида ўқилиб, қўшиқ сифатида айтилиб келинади.

Бугунги ўзбек шеъриятида Ўзбекистонга, ўзбек баҳорига бағишланган шеърлар беқиёс даражада кўп бўлишига қарамай, ҳали ҳам бу шеърнинг таровати пасайган эмас. Умуман, адабиёт оламида янги асарнинг пайдо бўлиши билан аввалги асарнинг қадри пасаймайди. Худди шунингдек, янги, истеъдодли шоирларнинг туғилиши билан аввал ўтган шоирлар адабиёт майдонидан улоқтириб ташланмайди. Руҳий ва маданий бойлик янги асарлар эвазига ошиб ва тошиб боради. Афсуски, ҳозирги кунда бу ҳақиқатни билишни истамаган кишилар ҳам йўқ эмас.

Яна «Ўрик гуллаганда» шеърига қайтайлик. Бу шеърда фақат табиат тасвири, баҳор манзараси чизилган эмас. Шоир бу шеърда параллелизм — ёнма-ён тасвир санъатидан фойдаланиб, ўрик гуллари билан лирик қаҳрамоннинг бахти ўртасида уйғунлик кўради. Баҳор шабадаси гул баргчаларини сочар экан, лирик қаҳрамоннинг ҳам бахти шу гул баргчаларидек мўрт ва фоний бўлиб туюлади. Лирик қаҳрамоннинг «Бахтим борми?» деган саволига жавобан фақат бахтни мақтаган овоз эшитилади:

«Мана сенга олам-олам
гул,
Этагингга сиққанича ол.
Бунда толе ҳар нарсадан
мўл,
То ўлгунча шу ўлкада
қол.
Умрида ҳеч гул кўрмай,
йиғлаб
Ўтганларнинг ҳаққи бор
сенда.
Ҳар баҳорни йиғлаб
қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи бор
сенда...»

Ана шу тарзда чаман бўлиб очилган ўрик гуллари бахт мавзуи билан туташиб, катта фалсафий мазмун касб этади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, 1937 йилнинг 30 мартида яратилган бу шеърнинг қатағон йиллар шеъриятига ҳеч бир алоқаси йўқ. У ёзилган пайтда ҳали Чўлпонлар оёғига кишан тортилмаган эди.

Хуллас, шоир севги мавзуига мурожаат этганида ҳам, табиатнинг фусункор гўшалари тасвирини чизганида ҳам лирик қаҳрамоннинг руҳий ва маънавий оламини ёритишга интилган. Тўғрироғи, унинг муҳаббат тасвирига бағишланган шеърларида ҳам, табиат манзараларини муҳрловчи шеърий лавҳаларида ҳам лирик қаҳрамоннинг ички моҳияти порлаб туради.

Ойбек қаламкаш дўсти тўғрисида сўз юритиб, бундай деган эди: «Ҳамид Олимжон нозик ҳислар, чуқур кечинмалар, ранг ва нур билан товланган картиналар яратди. У ўқувчининг юрагига кириш сирини билар эди. Бунинг учун формал усталиккина эмас, ҳақиқий шоир юрагига эга бўлиш шарт. Ҳамид Олимжон шундай чин санъаткорлардан эди».

Ойбек айтмоқчи, ҳақиқий шоир юрагига эга бўлган Ҳамид Олимжоннинг яна бир шеъри Қора денгиз бўйларида ёзилган. «Ҳол» деб номланган бу шеърда қуйидаги манзара чизилган: денгиз бўйидаги истироҳатгоҳда тўпланган юртдошлар танбур ё дутор ижросида ажойиб бир куйни тинглайдилар; лирик қаҳрамон бу куй таъсирида «эҳтиослар, ҳислар, ёнишлар ўлкаси»да сайр қилиб, ҳаёл оғушига ботади; унинг ҳаёлида тасвир этиш маҳол бўлган туйғулар чаппор уради. Бундай пайтда чивин учса ҳам малоллик қилади кишига. Шоир, афтидан, ана шуни назарда тутиб, дейди:

Халал берма, озроқ
қўйиб тур,
Тамом қилай шу гул
суратни.
Қўйгил мени, юракнинг
қони
Билан тортай энг сўнгги
хатни.

Ҳамид Олимжон шеърлари бугунги фалсафий шеърият намуналари олдида ҳийла енгил туюлиши мумкин. Лекин улардаги зилол туйғулар мавжи, нозик ҳиссиётлар тўлқини, тиниқ ранглар ва нурлар ўйини, улардаги самимийлик ва нафосат, инжа образлилик шеърият мухлисларига бир олам қувонч ва завқ-шавқ беришда, умид қиламизки, кейинчалик ҳам давом этади.

Ҳамид Олимжоннинг бундай шеърларига хос бўлган нафис лиризм унинг граждан лирикасида ҳам жилва бериб туради. Туйғулари назокатланган, поэтик сўзи ва услуби мусиқийлик, равонлик ва ёрқинлик касб этган шоир 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб граждан лирик ғояларини таранним этувчи шеър, баллада ва достонларида ҳам бадиий камолотга эриша борди. Унинг бу силсиладаги асарларида ҳам китобхон дили ва дидига озуқа берувчи руҳ, унинг дили ва дидини мунаввар этувчи нур пайдо бўлди. Ҳамид Олимжон Навоий ва Пушкин гулшанларидаги нектардан баҳра олиб, хассос шоир сифатида улғайди.

Ҳамид Олимжон ўзбек шеъриятига бошқа бирорта шоирда бўлмаган нафис бир соддалик, мусиқий равонлик, ҳиссий жўшқинлик олиб кирди. Унинг шеърларига хос бўлган тасвир маданияти кейинги шоирларимиз ижодида яна ҳам бойиди, янги жилвалар ҳосил қилди, янги жилғалар билан тўлишди. Бу кун бу шеърий маданият янада бойиш ва юксалиш арафасида турибди. Ўйлаймизки, бугунги ўзбек шеъриятининг навқирон вакиллари Чўлпон ва Ойбек, Ҳамид Олимжон ва Усмон Носир, Миртемир ва Шайхзода, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов анъаналарини давом эттириб, маданиятимиз хазинасида бир умрга қоладиган асарлар яратадилар.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди.

ТАТАР МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ— БОШҚИРДИСТОНГА

Бошқирдистондан олинган ташвишли хабарлар ўзбекистонликлар қалбини ҳам ларзага солди. Дастлаб Уфа яқинида темир йўл ҳалокати, кейин Оқ дарёга фенол моддаси оқизиб юборилгани туфайли экология фожиаси юз берди, мана энди — кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сув тошқини бўлди, Бошқирдистон халқ хўжалигига жуда катта зарар етди.

Тошкентдаги татар маданий-маърифий марказининг жабрланганлар учун ҳайр-эҳсон тўплаш тўғрисидаги қарори бошига кулфат тушган одамларга ғамхўрлик туйғуси билан йўғрилгандир. Тошкентнинг Киров районида Бошқирдистонга ёрдам бериш учун махсус очилган 00700378 рақамли 73432 кодли ҳисоб счетига дастлабки ярим минг сўм бадал ўтказилди. Маблағ тўплаш давом этмоқда. Марказ Ўзбекистонда яшовчи барча ҳаммиллатларга мурожаат қилиб, фожиа юз берган Бошқирдистонга ёрдам қўлини чўзишга даъват этади.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

МАҲОРАТ КЎРСАТИБ

Ўрта Осиё жумҳуриятлари анъанавий мусобақасида Ўзбекистон енгил атлетикачилари муваффақиятли куч синашдилар. Вакилларимиз жами 499 очко тўплаб, голиблик супасининг биринчи поғонасига кўтарилишди. Майдон эгалари — Қозоғистон спортчилари эса 390 очко билан иккинчи бўлишди. Қирғизистонликлар ҳисобида 270 та очко тўпланди.

Шахсий ҳисобда маҳорат кўрсатган Ўзбекистон енгил атлетикачилари мутахассислар эътиборини қозондилар. Чунончи, бухоролик Елена Антипова 200 метрга югуришда 24 секундли натижа кўрсатди. Чорвоқлик Роман Дубовик бир йўла икки медалли бўлди. У уч километрли масофага 9.42 минут сарфлаган бўлса, 5 километрлик масофани 17 минут 5,3 секундда босиб ўтди. Яйпанлик марафончи Улуғбек Мамадалиев бу сафар икки километрга тўсиқлар оша югуришда муваффақият қозонди.

ФУТБОЛ:

«ПАХТАКОР» КУЧЛИЛАР САФИДА

Биринчи лига коллективлари 9-турнинг якунловчи ўйинлари бўлди: «Кубань» — «Таврия», «Металлург» — «Спартак», «Локомотив» (Г) — «Геолог» ўйинларида ҳисоб очилмади. «Факел» — «Шинник» — 3:0.

Ўйинлар жадвалининг кўриниши

	Ғ.	Д.	М.	Т.	О.
«Металлург»	4	4	1	9-3	12
«Шинник»	4	3	1	10-5	11
«Геолог»	4	3	1	9-7	11
«Пахтакор»	4	3	2	14-13	11
«Спартак»	4	2	1	15-4	10
«Қайрат»	4	2	3	13-10	10
«Динамо» Ст	4	2	2	12-11	10
«Локомотив»	3	3	1	10-5	9
«Факел»	4	1	3	11-7	9
«Котайк»	2	3	1	7-2	7
«Нефтчи»	2	3	3	12-11	7
«Ростсель»	2	2	4	10-13	6
«Нистру»	1	4	3	10-16	6
«Локомотив» Г	1	4	3	5-10	6
«Таврия»	0	6	1	1-2	6
«Динамо» СХ	2	1	2	2-3	5
«Зенит»	1	3	3	5-9	5
«Тирас»	0	5	2	3-9	5
«Кубань»	1	2	4	2-12	4
«Кузбасс»	0	2	6	2-10	2

• *Устозни эслаб*

САЛОБАТ ВА САЛОҲИЯТ

Ҳар куни театр остонасига қадам қўяр эканман, даставвал у кишига салом бераман. Устоз худди тирикдай ўйчан, зийрак боқиб туради. Рассом аллома санъаткорнинг бутун борлиғи ила ҳар қандай киши диққатини ўзига ром этувчи сиймосини жозибали бўёқлар билан расмга туширган. Тийрак кўзлардаги маъно, хаёлга чўмиб боқишлар... Тенгсиз бир салобат ва салоҳият... Булар мени ўзига ром этаверади. Унга устоз сифатида ҳамиша таъзим этаман. Бу сиймо — Аббос Бакиров.

Ҳа, Аббос Бакиров ва унинг ижоди фақат мен учун эмас, театримизнинг ҳар бир санъаткори учун ҳамон азиз бир мактаб сифатида қолмоқда. У бугунги кунда театримизда фаол меҳнат қилаётган етакчи санъаткорларнинг устози эди. Биз у кишининг номини ҳурмат билан тилга оламиз, ўгитларини ёдлаймиз.

Санъаткор меҳнати осон эмас. Унга юрт баҳо беради, уни эл ардоқлайди. Кишида туғма талант бўлсагина у санъаткор бўлади. Аббос Бакиров ана шундай талант эгаси эди. Тарихдан маълумки, буюк кишиларнинг ҳаёт йўли машаққатлидир. А. Бакиров ҳам ўз ҳаётида машаққатли йўлни босиб ўтган.

У 1910 йилда саҳоб оиласида туғилган эди. Октябрь инқилобидан кейин турли қийинчиликлар билан ўсмирлар мактабида ўқиди. Маданий-маориф жабҳасининг жасур курашчиларидан бири бўлган Убайдулла Азизий дарс берган мактабда ўқиб, драма тўгарагида кичик пьесаларда қатнашди. «Зулм занжири» пьесаси Аббос Бакиров учун санъат оламига қўйилган биринчи қадам бўлганди. У Андижон театрига тез-тез келиб турар, томошаларни завқ-шавқ билан кўрар, юрагидаги санъатга қизиқиш эса шу тариқа куртак ёзарди.

Аммо театрга кириш учун кўп ҳаракат қилса-да, киролмади. Оилада турмуш оғир, рўзғорнинг бир томонини елкада кўтариш ёш Аббоснинг зиммасида турарди. У шу мақсадда Учқўрғон темир йўлидаги кўприк қурилишига ишга кирди. Бироқ унинг қалбидаги орзу — театрда ишлаш истаги сира сўнмади. Ниҳоят, 1931 йилда у яна Андижон театрига келди. Ўша вақтда театрга Муҳиддинқори Ёқубов директорлик қиларди. Хушсурат, қадди-басти келишган, кўзлари маъноли боқиб турувчи навқирон йигитни кўриб илиқ қарши олди.

Аббос ака биз, шогирдларига Муҳиддинқори Ёқубовнинг сўзларини кўп ҳикоя қиларди. «Артистлик осон эмас, укам. У бугун чорикор, эртага золим бой, индинга олим, яна бир куни озод ҳаётни барпо этган коммунист — инқилобчи бўлиб саҳнага чиқади. Қўйингки, артист ҳар бир тоифадаги кишиларнинг ҳаракатларини пухта ўрганиши, ўзини саҳнада кўрсата билиши лозим. Бунинг учун ўқиш керак. Қисқаси, артистликнинг турган-битгани меҳнат. Шунга чидай оласанми...». Аббос Бакиров Муҳиддинқорининг бу сўзларини бир умр ёдда тутди, уни такрорлади.

Аббос Бакировнинг ҳақиқий санъаткор сифатидаги таланти Комил Яшиннинг «Икки коммунист» пьесасидаги Аҳмад Понсод образи талқинида ёрқин намоён бўлди. Ўша пайтда театрда

у билан ишлаган санъаткорларнинг айтишича, Аббос Бакиров бу образ устида ишлар экан, Аҳмад Понсод яшаган Ахтачига бориб уни таниган ва билганлар билан мулоқотда бўлган, Понсоднинг характерини ўрганган. Бу мураккаб образнинг ўзига хос хусусиятлари: тили, жоҳиллиги, айёрлиги, қуюндай тезлиги бўлганки, кейинчалик булар Аббос Бакировнинг саҳна талқинида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Актёр ижро этган роллар хилма-хил. Унинг истеъдод қирраларидан бири шуки, у ҳам ижобий, ҳам салбий образларни баравариа ўйнайверарди. «Бургутнинг парвози»да Фрунзе ролини ўйнаса, эртасига Аҳмад Понсод бўлиб саҳнага чиқарди.

Артист жаҳон классик драматургияси асарларининг образлари галереясини ижро этганлиги билан ҳам томошабинлар эътиборини қозонган. У Ромео, Фериданд, Карл Моор, Хамбал сингари ролларни юксак маҳорат билан талқин этиб, Андижон театри саҳнасига файз киритди. У умри давомида театрнинг ўзида 150 дан ортиқ образ яратди. У яратган образлар вилоят театрининг олтин фондида сақланиб қолди.

Аббос Бакировнинг кино санъатида тутган ўрни, айниқса салмоқли. У кинодаги фаолиятини 1938 йилдан бошлади. Биринчи овозли фильм — «Азамат»да Азамат ролини ўйнаб, ўша йилиёқ шуҳрат қозонди. Шундан сўнг у кино усталари назарига тушиб қолди. «Амирликнинг емирилиши» фильмида Амир роли унга топширилди ва у Бухоро амири образини юксак маҳорат билан талқин этди. Бу фильм орқали у ҳақиқий киноактёр сифатида таниларди. Ўша йиллари Аббос Бакировнинг истеъдоди санъатшунослар, кинотанқидчилар томонидан юқори баҳоланди. Томошабиннинг кўз олдида эса ҳамиша Аббос Бакиров талқинидаги Амир образи гавдаланиб туради. «Ўзбекфильм»нинг «Ленин йўлланмаси билан», «Гулбаҳор», «Мафтунингман», «Абу Али ибн Сино», «Икки дил достони» фильмларида яратган образлари ҳам диққатга сазовордир. Айниқса «Осиё устида бўрон» фильмида унинг талқинидаги Қоплонбек образи усталик билан яратилди. Бу образ ҳақида ҳатто чет элларда ҳам илиқ фикрлар билдирилди. Ўзига ишонган, ўладиган бўлса ҳам тик туриб ўладиган, ғанимига таслим бўлишга сира ишонмайдиган Қоплонбекнинг ҳақиқий башараси кино устаси ижросида тўла мужассамланди.

Ҳа, СССР халқ артисти Аббос Бакиров бетакрор талант соҳиби эди. У «Ўтган кунлар» фильмида ажойиб бир образ яратди. Бу Юсуфбек ҳожи образидир.

Устоз серқирра санъаткор эди. Унинг ижодий фаолиятида режиссёрлик санъати катта ўрин тутади. Ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган театримиз тақдири устоз санъаткорнинг режиссёрлик фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетади. У театримизда қарийб ярим аср ишлади. Ана шу давр ичида саҳнада хилма-хил образлар яратиш билан бирга «Алишер Навоий», «Бургутнинг парвози», «Холисхон», «Лайли ва Мажнун», «Ирода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ромео ва Жульетта», «Нодира», «Қанотлар» сингари 50 дан ортиқ драма ва музикали драмани саҳналаштирди.

Бугунги кунда театримиз ижодий коллективи устоз ишини изчил давом эттирмоқда. «Нодира» музикали драмаси яна қайтадан тикланди, саҳна юзини кўрди. «Тоҳир ва Зуҳра»ни театримизнинг 70 йиллик юбилейига совға сифатида тайёрламоқдамиз.

Шу кунларда театримизда Аббос Бакиров музейини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Буюк санъаткор билан бирга ишлаган ҳурматли санъаткорларимиз музейни бойитишда ўз ҳиссаларини қўшсалар яхши бўларди. Бугунги кунда театримизда Аббос Бакировнинг нафаси ҳамон уфуриб тургандай. Чунки устознинг содиқ умр йўлдоши — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қамара Бурнашева биз билан сафда турибди. Яна шуни қувонч билан айтишим мумкинки, театримизда Аббос аканинг набираси Аброржон ҳам ишлайди. Аброр ҳудди Аббос аканинг ёшлигини эслатиб туради бизга. У театр бадиий кенгашининг аъзоси.

Устознинг 80 йиллик юбилейи ҳақида сўз кетар экан, озгина ўкинчимиз ҳам бор. Шаҳарнинг ўртасидаги бирмунча кинотеатр Аббос Бакиров номи билан аталади. Бу кифоя эмас. Андижонда қатор-қатор институтлар, билим юртлари бор. Музика билим юртларидан, шаҳар кўчаларидан бирига Аббос Бакировнинг номи берилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳошимжон ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* • *Реклама ва эълонлар* •

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
«Муҳандис-геофизик» ёки мутахассислиги бўйича гидроузеллардаги муҳандислик сейсмометрия кузатишлари ихтисоси бўйича илмий ходим бўш лавозимига
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 24 майгача.
Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-47-12, 41-47-13, 41-45-91.

●

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ
1990- 1992 йиллар учун
травматология ва ортопедия ихтисоси бўйича (4 ўрин)
КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 22 майгача.
Манзилимиз: 700000. Тошкент шаҳри, ГСП, К. Маркс кўчаси, 78-уй. УзНИИТО.
Телефонлар: 33-10-30, 33-12-35.

●

ЖУМҲУРИЯТ РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича профессор ўқитувчилар таркибидаги лавозимларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
доцентлар: социализм назарияси, рус тили тарихи ва диалектологияси, адабиёт назарияси ва таржимаси;
катта ўқитувчилар: совет адабиёти (2), адабиёт назарияси ва таржимаси, пропедевтика ва нутқни ривожлантириш.
Конкурс муддати — 24 майгача.
Манзилимиз: 700110, Тошкент шаҳри, Академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй, телефон 75-93-11.

АНДИЖОН КООПЕРАТИВ-ТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ
1990-1991 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари жиҳозларини ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш нон, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш, умумий овқатланишни ташкил қилиш ва овқат тайёрлаш технологияси, кооператив савдони ташкил қилиш ва ноозиқ-овқат товарлари товаршунослиги, гўшт ва парранда маҳсулотлари технологияси.
Ўқиш муддати — 2,5 йил.
Қуйидаги фанлар бўйича кириш имтиҳонлари топширилади:
ОНА ТИЛИ (иншо, ёзма), МАТЕМАТИКА (оғзаки).
Техникумга қабул қилинганлар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар.
Техникум ўқувчилари ётоқхона билан таъминланадилар.
Кирувчилар директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: кооператив ташкилотидан йўлланма, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, соғлиғи ҳақида 086/У формали тиббий шаҳодатнома, ишлаётганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма ва характеристика.
Ҳужжатлар 1990 йил 1 июндан бошлаб қабул қилинади.
ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Манзилимиз: Андижон вилояти, Олтинкўл район маркази, В. И. Ленин 100 йиллиги кўчаси, 6-уй, қабул комиссияси.

ДИҚҚАТ!
1990 йил 26 май соат 10.00 да
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ САНОАТ ВА ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИДА
(Я. Колас кўчаси, 16-уй)
Институт қурилиш фа культетини 1970 йилда битирганларнинг
УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

●

26 май соат 10.00 да Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти
«ТЎҚУВЧИЛИК»
ихтисоси бўйича битирувчиларнинг
АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВИНИ ЎТКАЗАДИ
Манзилимиз; 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича профессор-ўқитувчила р таркибидаги бўш вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
доцентлар: француз тили лексикаси ва стилистикаси, француз тили грамматикаси ва тарихи, махсус курсларда чет тиллари (инглиз тили), кечки ва сиртқи факультетларда немис тили филология фанлари номзодлари);
катта ўқитувчилар: инглиз тили стилистикаси, инлиз тили грамматикаси ва тарихи;
ўқитувчилар: педагогика ва психология (ўзбек тилида психология машғулотларини ўтиш учун), сиртқи факультетда инглиз тили, ўзбек тили (2).
Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104, кадрлар бўлими.

Театр
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/V да **Оққушқўли**, 19/V да **Пиковая дама** (18.00), 20/V да **Чиполлино** (12.00), **Концерт** (18.00).

Ўзбекистон ССР Театр арбоблари уюшмаси Й. Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Театр арбоблари уюшмаси правленияснинг аъзоси О. Толиповга опаси
Анора ОРИПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат дорилфунуни ректорати, партия ва касаба ташкилотлари, география факультети жамоаси доцент Р. А. Ходиевга онаси
Муҳаррам ҚОДИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти маъмурияти, партия ташкилоти, касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган шифокор М. А. Азизовга акаси
Ҳожинури АЗИЗОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари, ҳарбий кафедрадаги гражданларнинг мудофаа қилиш цикли бошлиғи, доцент С. Мирҳошимовга онаси
Ҳожал МАҚСУДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат вазирлигининг «Прогресс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори ўринбосари Қ. С. Ҳайдаровга онаси
Зуҳра РАҲИМХУЖАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04259. № 113. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12